

МУХАММАД ИБН АББОС ҲАСАНИЙ

МУХТАСАР СИЙРАТ
ёхуд МУҲАММАД
(соллаллоҳу алайҳи ва саллам)
ҲАЁТЛАРИДАН МУҲИМ ВОҚЕАЛАР
ТАРИХИ

Таржимон:
Исмоил Райҳонов



Тошкент
2016

УЎК: 28-31

КБК: 86.38

Ҳ 31

Ушбу китобда Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг пайғамбарликдан олдинги ҳолатлари, у зотнинг фарзандлари, хотинлари, амакилари, аммалари, қуллари, хизматчилари, соқчилари, котиблари, хатлари, элчилари ва тайинлаган амирлари ҳақида қисқа ва лўнда маълумотлар берилган.

Шунингдек, уловлари, қуроллари, кийимлари, мўъжизалари ва бошқалар ҳақида ҳам ривоятлар келтирилган. Пайғамбарлик даврида содир бўлган муҳим воқеа-ҳодисалар тарихий тартибига кўра қисқача зикр қилинади.

Муҳаммад ибн Аббос Ҳасаний

Мухтасар сийрат [Матн]/ Муҳаммад ибн Аббос Ҳасаний; таржимон И. Райҳонов; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2016. – 120 б.

Масъул муҳаррир:

Шайх Абдулазиз МАНСУР

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2015 йил 19 августдаги
3711-сонли хулосаси асосида нашрга тайёрланди.*

ISBN 978-9943-12-380-9

© Исмоил РАЙҲОНОВ.

© «Movarounnahr» 2016.

**МУҲАММАД ИБН АББОС
ҲАСАНИЙНИНГ “МУХТАСАР СИЙРАТ
ЁХУД (“ТАРИХУЛ ҲАВОДИС ВАЛ-
АҲВОЛИН-НАБАВИЙЯ”) МУҲАММАД
(СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ)
ҲАЁТЛАРИДАН МУҲИМ ВОҚЕАЛАР
ТАРИХИ” КИТОБИНИНГ ЎЗБЕКЧА
ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА**

Ислом оламида маънавий-маърифий, ахлоқий идеал сифатида Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сиймоларига мунтазам суратда мурожаат қилинади. Бунга ўзбек адабиётида ҳам кўплаб намуналар мавжуд бўлиб, Носириддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”, Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, Алихонтўра Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий” ҳамда XX асрда яшаб, ижод этган Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний каби адибларимизнинг яратган асарларини мисол сифатида санаб ўтишимиз мумкин. Уларда араб тилидаги манбаларга турли хил мурожаатлар, турлича ёндашувларни кўрамиз. Умуман, туркий тилдаги бундай асарларни ёзишда араб тилидаги адабий ва тарихий манбалардан ижодий фойдаланишнинг ўзи ҳам анъанага айланган. Лекин Пайғамбаримиз ҳаётлари ва фаолиятлари ҳақидаги китобларнинг араб тилидан таржималарини кўп деб бўлмайти.

Таржимаси тақдим этилаётган ушбу китоб XX асрнинг иккинчи ярмида фаолият олиб борган

олимлардан бири Муҳаммад ибн Аббос Идрисий Ҳасаний Ҳошимий қаламига мансуб. У муҳаддис, мутасаввиф сифатида ислом уламолари орасида яхши танилган. Унга “Икки Ҳарам муҳаддиси” номининг берилиши ҳам бежиз эмас.

Муҳаммад Ҳасаний нафақат Маккаи мукаррамадаги мадрасаларда ўқиди, балки илм талабида Миср, Мағриб, Ҳиндистон ва Покистонга ҳам сафар қилди. Бўлажак олим ал-Азҳар университетида илмий ишлар билан шуғулланиб, магистр ва доктор илмий даражаларини олган.

Муҳаммад ибн Аббос Ҳасаний Моликий ислом тарихи, моликий фикҳи, ҳадис илми хусусида кўплаб асарлар муаллифи ҳисобланади. Унинг Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фаолиятларини ёритган “Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) – комил инсон”, “Тарихул ҳаводис вал-аҳволин набавийя (Пайғамбар ҳаётидаги ҳодисалар тарихи)”, “Аз-захоирун набавийя (Пайғамбар захиралари)” каби бир неча асарлари мавжуд. Уларда улуғ Пайғамбар ҳаёти ва фаолиятининг турли қирралари турлича услубларда ёритилади.

Олимнинг ушбу “Мухтасар сийрат” асарида Пайғамбаримиз ҳаётларига дахлдор маълумотлар хронологик тартибда берилган. Маълумотларнинг қисқа сатрларда, ортиқча тафсилот ва талқинларсиз берилиши бу китобнинг асосий услубидир. Уларда ҳозиргача ўзбек тилидаги адабиётларда учрамайдиган фактларнинг ҳам келтирилиши эътиборлидир.

Китоб таржимони – Қашқадарёда бир неча

йиллар Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг вилоят вакили сифатида фаолият юритган Исмоил ҳожи Райҳонов. У диний-маърифий ишларни, хусусан, тинчлик, диний бағрикенгликни халқ орасида кенг тарғиб қилиш, маҳдуд тушунча ва қарашларга, диний ниқобдаги бузғунчи ғояларга қарши тинимсиз ҳаракатда бўлган фидойи зиёлилардан. У бир қанча илмий, илмий-оммабоп мақолалар, рисола ва қўлланмалар, шунингдек, таржималар муаллифидир. Унинг таржимасида “Мовароуннаҳр” нашриётида чоп этилган “Араб мақоллари ва ҳикматлари” китоби ўқувчиларга манзур бўлди.

Исмоил ҳожи Райҳонов бу асарни араб тилидан таржима қилган. Лекин ўзбек ўқувчиларининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, унга баъзи тўлдирувчи маълумотларни ҳам киритган.

Ушбу асар ўқувчиларни тўғрилиқка, комилликка, ахлоқан покликка чақириши билан юксак аҳамият касб этади.

***Н. ШОДМОНОВ,
филология фанлари доктори***

СЎЗБОШИ

Оламлар Рабби Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Пайғамбарлар энг улуғи, саййидимиз Муҳаммадга, оилалари ва барча саҳобаларига салавот ва саломлар ёғилсин.

Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни соф, бағрикенг ва тўғри дин билан жўнатган. Шу дин билан ғамларни аритган, залолатдан ҳидоятга бошлаган. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га улуғ хулқ ва соғлом қалб берган. У кишини энг улуғ шафоат, мақоми маҳмуд (мақтовли мартаба), улуғлик ва иззат билан хослаган.

Ўрганилиши керак бўлган энг улуғ илмлардан бири бу пайғамбарликка оид илмлар, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сифатларини ўрганишдир. Олимлар бу мавзуда кўплаб тарих, шамоийл китобларини тасниф этишган. Барчалари ўз илмларига яраша қисқа ёки узун асарлар битганлар.

Ушбу китоб икки қисм:

Биринчи қисмда Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг пайғамбарликдан олдинги ҳолатлари, у зотнинг аёллари – оналаримиз (розияллоҳу анҳунна), фарзандлари, амакилари, аммалари, эмизган оналари, эмишган ака-ука, опа-сингиллари, озод қилган қуллари, хизматчилари, соқчилари, котиблари, мактублари, элчилари ва тайинлаган амирлари ҳақида баён қилинади.

Шунингдек, бу қисмда уловлари, қуроллари, кийимлари, мўъжизалари ва бошқалар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Иккинчи қисмда пайғамбарлик даврида содир бўлган муҳим воқеа-ҳодисаларнинг хулосаси зикр қилинади. Пайғамбар (алайҳиссалом) таваллудларининг иккинчи санасидан вафотларигача бўлган воқеалар тарихий тартибига кўра қисқача зикр қилинади.

***Ҳижрий 1397 йил Ражаб ойи,
Мадинаи мунаввара***

БИРИНЧИ ҚИСМ

Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам)нинг насаби шарифлари

У зот Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн Назр ибн Кинона ибн Хузайма ибн Мудрика ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маъад ибн Аднон ибн... Исмоил (алайҳиссалом) ибн Иброҳим Халилуллоҳ (алайҳиссалом)-дир.

Таваллудлари

Пайғамбаримиз (соллalloҳу алайҳи ва саллам) Фил йили Рабиъул аввал ойининг душанба куни, машҳур ривоятга кўра, Рабиъул аввал ойининг ўн иккинчисида таваллуд топдилар.

Душанба куни муборак кундир

Имом Аҳмад ривоят қиладики, Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) айтди: “Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) душанба куни туғилдилар, душанба куни пайғамбарлик келди, душанба куни Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб чиқдилар, душанба куни Мадинанинг Қубо қишлоғига кириб келдилар, душанба куни вафот этдилар, бир ривоятга кўра, Ҳажарул асвадни (Қора тошни) душанба куни кўтариб, ўз ўрнига ўрнатиб қўйдилар”.

Айтишларича, у киши киндиклари кесилган, хатна қилинган ҳолатда туғилдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг таваллуд кечасида бир қанча ажойиб ҳодисалар содир бўлди. Кўплаб бутлар юзтубан йиқилиб, ағдарилиб тушди. У зотнинг туғилиши пайтида бир нур пайдо бўлиб, бундан Шомдаги қасрлар ёришиб кетди. Кисронинг айвони ларзага келиб, томлари қулаб тушди, минг йиллар ўчмай ёниб келган оташпарастларнинг олови ўчди, Сова кўли қуриди.

Энагалари ва сунт эмизган оналари

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни биринчи эмизган аёл – оналари саййида Омина Зухрийя бўладилар. Сўнгра Сувайба Асламия бир неча кун эмизди. Сувайба Абу Лаҳабнинг чўриси эди. Абу Лаҳаб уни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг таваллудларини хабар бергандан сўнг қулликдан озод қилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг таваллудларидан хурсанд бўлгани сабабли Аллоҳ таоло унинг азобини енгиллаштирди. Буни Имом Бухорий ривоят қилган. Абу Лаҳаб вафот этгандан сўнг Аббос (розияллоҳу анҳу)нинг тушида кўринган ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туғилганларидан хурсанд бўлиб, Сувайбани қулликдан озод этгани учун ҳар душанба куни унинг азоби енгиллаштирилаётганини айтган.

Ибн Мунда Сувайбани саҳобиялардан деб ҳисоблайди. Аммо бу масалада аҳли илм ўртасида ихтилоф бор. Сувайба Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига Хадича онамизга уйланганларидан кейин ҳам кириб турар

эди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам, Хадича онамиз ҳам унга эҳтиром кўрсатишар эдилар. Ҳижратдан кейин ҳам унга вафот этгунча кийим-кечак ва совға-саломлар юбориб турар эдилар.

Сўнгра Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни Ҳалима бинти Абу Зуайб Саъдия эмизди. Бани Саъд қавмининг Тоиф орқасидаги қишлоғига ўзи билан олиб кетди. Саҳиҳ қавлга кўра, Бани Саъд қавми ичида тўрт йил яшадилар. Улар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг эмизилишлари натижасида кенг ризқ ва тўкин-сочинликка эришдилар. Ҳалима бинти Саъдиянинг қизи Шаймо Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га онаси билан бирга қарар эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га “шаққи садр” (кўкрак ёриш) ҳодисаси рўй бергандан сўнг Ҳалима бу ҳодисадан кўрққанидан у зотни тўрт-беш ёшларида оналарига қайтариб берди. Шундан сўнг Ҳалима Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни икки марта кўрди, холос. Биринчи сафар Хадичага уйланганларидан кейин қурғоқчиликдан қийналиб, шикоят қилиб келди. Ўшанда Хадича онамиз унга 20 та қўй ва бошқа нарсалар бериб юборди. Иккинчи сафар Ҳунайн кунида кўрди.

Сўнгра Умму Айман Барака Ҳабашия энагалик қилди. У аёл Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га оталаридан мерос қолган эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) улғайганларидан кейин уни озод қилдилар ва Зайд ибн Ҳорисага турмушга бердилар.

Ўспиринликлари

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) етим ўсдилар. Ҳали туғилмасларидан оталари Абдуллоҳ вафот этди. Сўнгра у кишини боболари Абдулмутталиб ўз қарамоғига олди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олти ёшга етганларида оналари Мадинаи мунавварага энагалари Умму Айман Барака Ҳабашийя билан бирга Бани Нажжор қавмидан бўлган тоға уруғларини зиёрат қилиш учун олиб борди. У ерда бир ой туришди. Сўнгра бирга қайтишда йўлда оналари касал бўлиб қолди ва вафот этди. Абво деган жойга дафн этилди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни энагалари Умму Айман бир карвон ҳамроҳлигида Маккага – боболари Абдулмутталибникига олиб борди. Бир ривоятда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) оналарининг жасадини Маккага олиб келишди ва ўша ерда дафн этилди, деб келтирилади. Бу тўғрида Ибн Жавзий “Ал-Вафо” деган китобида ҳикоя қилган. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саккиз ёшга кирганларида боболари вафот этди. Сўнгра у зотни амакилари Абу Толиб боболарининг васиятига биноан ўз қарамоғига олди. Амакилари Абу Толиб оталари Абдуллоҳнинг ота-она бир акаси эди.

Абу Толиб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га душманларидан ҳимоячи ва у кишининг меҳрибонига айланди. Абу Толиб камбағал киши эди. Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни қарамоғига олгани туфайли моллари кўпайиб, бойиб кетди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўн икки ёшга етганларида амакилари Абу Толиб билан бирга Шом ўлкасига сафарга отландилар, аммо амакилари у зотга яҳудийлар зарар етказишидан қўрқиб йўлдан қайтди. Баҳийро номли роҳиб амакиларини яҳудийлар ёмонлигидан қўрқитган эди.

Сўнгра Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) иккинчи марта Шом ўлкасига Ҳадича (розияллоҳу анҳо)нинг тижорати учун унинг хизматкори Майсара исмли киши билан бирга сафарга чиқдилар.

Пайғамбарликдан олдинги ҳаётлари

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарлик келишидан олдин ҳам диёнатли (тўғри йўлни тутган), ибодатли (парҳезкор, ўзини тутган) киши эдилар. Бутлардан нафратланар, ҳаром емак ва ноҳақ ишларни ёмон кўрар эдилар. Қўй боқиш билан шуғулланган эдилар ва бу тўғрида: “Аллоҳ таоло бирон-бир пайғамбар юборган бўлса, албатта у қўй боққан”, деганлар. “Сиз-чи?” деб сўраганларга: “Ҳа, мен ҳам”, деганлар (*Имом Бухорий ривояти*).

Тижорат билан ҳам шуғулланган эдилар. Соиб ибн Абу Соиб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га тижоратда шериклик қилар эди. Ҳаттоки фатҳ куни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Марҳабо, эй биродарим ва шеригим”, деганлар.

Муғомбирлик, айёрлик, тилёғламалик, хушомадгўйлик, лаганбардорлик қилмас, талашиб-

тортишиб, жанжаллашиб ҳам юрмас эдилар. Хадича (розияллоху анҳо)нинг тижорат карвони билан Шом ўлкасига сафар қилиб, мўл-кўл фойдалар билан қайтган эдилар. Ўшанда муборак ёшлари йигирма бешда эди.

Исми шарифлари

Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) ўз исмлари ҳақида бундай деганлар: “Мен Мухаммадман, мен Аҳмадман, мен Моҳийман, яъни Аллоҳ таоло мен билан куфрни маҳв (йўқ) қилади, мен Ҳоширман, яъни одамлар оёқларим атрофига йиғиладилар, мен Оқибман, яъни мендан кейин пайғамбар келмайди”. Яна бир ривоятда: “Мен Муқаффийман (яъни пайғамбарларнинг охиргиси), Тавба пайғамбариман ва Раҳмат пайғамбариман”, деганлар. Саҳиҳи Муслимда: “Малҳама пайғамбариман (яъни қаҳрамонлик пайғамбари)”, деганлар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда у кишини Башир (хушxabар берувчи), Назир (огоҳлантирувчи), Сирожун мунир (нур сочувчи чироқ), Рауфур раҳим (шафқатли ва меҳрибон), Раҳматан лилоламин (бутун оламларга раҳмат), Мухаммад, Аҳмад, Тоҳо, Ёсин, Муззаммил, Муддассир, **“Яна Аллоҳнинг бандаси (Мухаммад) Унга ибодат қилиб турганида”** (Жин сураси, 19) оятида Абдуллоҳ деб атаган. «(Уларга) **айтинг: “Албатта, мен (сизларга Аллоҳнинг азобидан) ошкора огоҳлантирувчидирман”**» (Ҳижр сураси, 89) оятида Назирун мубин (очиқ огоҳлантирувчи) деб ном берган. Ғошия сураси 21-оятида: **“Зотан, Сиз**

(ҳозирча) **фақат эслатувчидирсиз**” – Музаққир (Эслатувчи) деб номлаган. У зотнинг бундан бошқа исмлари ҳам бор. Бу исмларнинг кўпи сифатлардир.

1) Пайғамбарлик аломатларидан

Пайғамбарлик аломатларидан аввалгиси муборақ кўкракларининг ёрилишидир. Ёшлиқ пайтида эмизган оналари Ҳалима онаникида юрганларида биринчи марта кўкрақ ёрилиши воқеаси содир бўлган эди. Аниқ маълумотларга қараганда, ўшанда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тўрт ёшда эдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборақ кўкраклари иккинчи марта ёрилишида у зот ўн ёшда эдилар. Учинчи марта муборақ кўкракларининг ёрилиши Жаброил (алайҳиссалом) пайғамбарликни олиб келган пайтда юз берди. Тўртинчи марта муборақ кўкракларининг ёрилиши саҳиҳ ҳадисларга қараганда, Исро кечасида воқе бўлди.

Билингки, кўкрақ ёрилиши ва қалбнинг чиқариб олиниши Аллоҳнинг қудрати доирасидаги ишлар бўлгани сабабли бошқа маънога бурмаслик керак.

2) Пайғамбарлик муҳри

Пайғамбарлик аломатларидан бири пайғамбарлик муҳри (Муҳри нубувват)дир. Унинг сифати ҳақида ривоятлар хилма-хил. Машҳурроқ ривоятга қараганда, у каптарнинг тухумидек келади. Чап куракларининг қимирлаб турадиган жойида

бўртиб чиқиб турган. Ундан нур ва хушбўй хидлар таралиб турар эди.

3) Рост туш

Рост туш кўришлари ҳам нубувват аломатларидандир. Бирон- бир туш кўрсалар, ўнглаарида ҳам содир бўлар эди. Ёруғлик ва нурни кўрар эдилар, бир овоз эшитар эдилар. Юрган йўлларида баъзи тошлар ва дарахтлар у зотга салом берар, баъзан тепаларида булут соя солиб турар эди.

Тана тузилишлари

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўта узун ҳам, калта ҳам эмас эдилар. Оппоқ ҳам, қора ҳам эмас эдилар. Сочлари ўта жингалак ҳам, сип-силлиқ ҳам эмас эди. Вафот этганларида бошларида йигирма тола ҳам оқ соч йўқ эди. Жисмлари гўзал, икки кураклари ораси кенг эди. Сочлари елкаларигача, баъзан қулоқлари юмшоғигача, баъзида қулоқларининг ярмигача тушиб турар эди. Соқоллари қалин, бармоқлари қаттиқ, бош ва бўғимлари катта, бироз юмалоқ юзли, кўзлари қора, киприклари узун, кўзларининг бошланиш жойлари (бурун томони) қизил, кўкракларидан киндикларигача майин туклари бор эди. Юрсалар, қияликдан тушаётгандек шахдам юрардилар. Юзлари худди ўн тўрт кунлик ойдек чарақлаб турарди. Овозлари ёқимли, чаккалари текис, оғизлари сал каттароқ, қорин ва кўкраклари баробар, елкалари, билаклари, кўкракларининг юқори қисми бироз тукли эди. Қўллари узунроқ, кафтлари кенг, кўзлари катта, товонлари кам эт-

ли, икки кураклари орасида чодирнинг тугмасидек ёки каптар тухумидек пайғамбарлик муҳри бор эди. Юрсалар, худди ер у киши учун қисқаргандек бўларди. У зотга етишиш учун чарчаб қолишарди. Ўзлари эса бемалол юрардилар. Сочларини тўғри тушириб юрардилар. Кейин ўртасидан фарқ очдилар. Соч-соқолларини тараб турардилар. Ҳар кеча уйқудан олдин ҳар кўзларига уч мартадан яхши сурмадан сурардилар. У кишига энг сеvimли кийим кўйлак оқ рангли, пахта кийим эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўйлакларининг енги билаккача эди. Баъзан қизғиш чакмон, иштон ва ридо киярдилар. Баъзан икки қизғиш кийим киярдилар. Баъзан тор енгли чопон (жубба) киярдилар. Баъзан чакмонга ўхшаш кийим (қибо) киярдилар. Баъзан қора салла кийиб, учини кураклари ўртасидан тушириб қўярдилар. Баъзан қора жун кийим киярдилар. Муҳр учун кумуш узук тақардилар. Маҳси, шиппак киярдилар.

Жисмоний қувватлари

Рукона ибн Абду Язид ибн Ҳошим ибн Мутталиб ибн Абдуманоф Қурайш қавмининг энг паҳлавони эди. Макка дараларининг бирида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан учрашиб қолди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Эй Рукона, Аллоҳдан қўрқиб, мен сени даъват қиладиган динни қабул қилсанг бўлмайдимми!?” дедилар. Рукона: “Агар мен сен айтаётган диннинг ҳақ эканини билсам эди, сенга албатта эргашар эдим”, деди. Шунда

Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) унга: “Нима дейсан, агар мен сени курашда енгсам, мен айтаётган динни ҳақ деб биласанми?” дедилар. Рукона: “Ҳа”, деб жавоб берди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Ундай бўлса, тур, кураштушамиз”, дедилар. Рукона у зот билан кураш тушиш учун ўрнидан турди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) уни маҳкам тутиб, ерга қулатдилар. Рукона ҳеч нарса қилишга қурби етмай, ожиз қолди. Сўнгра ўрнидан туриб: “Кел, эй Муҳаммад, яна курашамиз”, деди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) уни яна йиқитдилар. Шунда Рукона: “Эй Муҳаммад, ажойиб иш бўлди-ку, сен мени йиқитяпсан-а?!” деди ажабланиб. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Агар хоҳласанг, Аллоҳдан кўрқиб, менинг амрим (диним)га эргашсанг, бундан ҳам ажойиб мўъжиза кўрсатаман”, дедилар. Рукона: “Нима у?” деди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам): “Анави сен кўриб турган дарахтни чақираман, у олдимга келади”, дедилар. Рукона: “Чақир”, деди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) дарахтни чақиргандилар, дарахт Расулulloҳнинг олдиларига келиб тўхтади. Рукона: “Энди унга, ўз жойингга қайт, деб айт!” деди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) дарахтга: “Жойингга қайт!” деган эдилар, у ўз жойига қайтди. Шундан сўнг Рукона қавми олдига бориб, уларга: “Эй Бани Абдуманоф, бу биродарингиз ёрдамида ер аҳли билан сеҳрда мусобақалашинг, Аллоҳга қасамки, ундан кўра сеҳргарроқ одамни кўрмадим ҳеч”, деб кўрганларини ва бўлиб ўтган ишларни сўзлаб берди.

Амакилари ва аммалари

Амакилари: Ҳорис, Зубайр, Абу Толиб (исми Абдуманоф), Абу Лаҳаб (исми Абдулғуззо), Муқаввим ёки Абдулкаъба, Ғайдоқ ёки Ҳажл (асл исми Муғира), Зирор, Ҳамза (розияллоҳу анҳу) ва Аббос (розияллоҳу анҳу).

Аммалари: Сафийя (розияллоҳу анҳо), Отика, Арво, Умайма, Барра ва Умму Ҳаким Байзо.

Улардан Ҳамза, Аббос ва Сафийя (розияллоҳу анҳум)лар (у Зубайр (розияллоҳу анҳу)нинг онаси) исломга киришди. Отика ва Арволарнинг исломга киргани ҳақида ихтилоф бор.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг оталари Абдуллоҳнинг онаси Фотима бинти Амр Махзумиядир.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг оналари Омина бинти Ваҳбнинг онаси Барра бинти Абдулғуззодир.

Амакиларининг ўғил ва қизлари

– Амирул мўминин Али (розияллоҳу анҳу) ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб.

– Толиб ибн Абу Толиб, исломга кирмасдан вафот этган.

– Ақийл (розияллоҳу анҳу) ибн Абу Толиб, Муовия (розияллоҳу анҳу) халифалиги даврида мусулмон ҳолида вафот этган.

– Жаъфар (розияллоҳу анҳу) ибн Абу Толиб. Лақаби “Тайёр” (учадиган) бўлиб, ҳижрий саккизинчи йили Муъта жангида, ҳижратнинг саккизинчи йилида шаҳид (Аллоҳ ундан рози бўлсин) бўлган.

– Умму Ҳониъ (розияллоҳу анҳо) бинти Абу Толиб. Исми бир ривоятга кўра, Фохита эди. Исломга кирган, ҳижрат қилган. Эри Хубайра ибн Ваҳб Махзумий.

– Жумона (розияллоҳу анҳо) бинти Абу Толиб. Исломга кирган ва байъат қилган. Эри Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб амакисининг ўғли. Булар Абу Толибнинг фарзандлари бўлиб, барчасининг онаси Фотима бинти Асад ибн Ҳошим ибн Абдуманоф ибн Қусай эди. Фотима ҳам исломга кирган ва ҳижрат қилган. Мадинада вафот этган, жанозасида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам қатнашганлар.

Абдуллоҳ, Фазл, Касир, Таммом, Қусам, Маъбад, Абдурахмон, Ҳорис, Убайдуллоҳ, Мушхир, Субайх, Умму Ҳабиба (баъзи китобларда Умму Ҳабиб), Сафийя ва Амина (баъзи китобларда Омина). Булар Аббос ибн Абдулмутталибнинг фарзандлари бўлиб, Абдуллоҳ ибн Аббос ислом умматининг раббоний олимидир.

– Абдуллоҳ, Урва, Уммул Ҳакам, Зубоъа ва Тоҳир. Булар Зубайр ибн Абдулмутталибнинг фарзандларидир.

– Умора, Яъло ва Фотима (эри Миқдод ибн Асвад). Булар Ҳамза ибн Абдулмутталибнинг фарзандларидир.

– Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб. (Исломга кирган. Хунайн куни Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ёнларида собит туриб, қаттиқ жанг қилган. Ҳижрий йигирма олтинчи йили вафот этган. Жанозасини Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) ўқиган).

Навфал (исломга кирган. Ҳунайн куни собит турган).

Умайя, Рабиъа, Абдушамс, Абдулмутталиб, Арво ва Абдуллоҳ (исломга кирган). Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида вафот этган. Булар Ҳорис ибн Абдулмутталибнинг фарзандларидир.

– Утба ибн Абу Лаҳаб. “Ал-Исоба”да зикр қилинишича, у исломга кирган. Ҳунайн жангида қаттиқ курашган.

– Утайба ибн Абу Лаҳаб. (Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни Аллоҳ таоло бирорта итга едирсин, деб дуоибад қилган эдилар. Шундан сўнг уни шер ейди).

– Муаттиб ибн Абу Лаҳаб (исломга кирган. Ҳунайн куни собит турган. Учовлари, яъни Утба, Утайба, Муаттибларнинг оналари Қуръони каримда “Ўтин ташувчи” деб сифатланган Умму Жамил бинти Ҳарбидир. У Муовия ибн Абу Суфённинг аммаси эди).

– Дурра бинти Абу Лаҳаб. Исломга кирган.

– Субайъа бинти Абу Лаҳаб.

– Холид ибн Абу Лаҳаб ибн Абдулмутталиб.

– Ҳинд бинти Муқаввим ибн Абдулмутталиб.

– Мурра бинти Ҳажл ибн Абдулмутталиб .

Фарзандлари

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўғил фарзандларининг биринчиси Қосимдир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг исми билан куняланиб, “Абул Қосим” деб чақирилар эдилар. Нубувватдан олдин туғилган ва 17 ойлигида вафот этган.

Абдуллоҳ Тоййиб ва Тоҳир деб ҳам аталар эди. Нубувватдан кейин туғилган ва бир ёшга яқин умр кўрган. Бир ривоятда нубувватгача дейилган. Тоййиб Тоҳир эмас, улар кейин эгизак туғилганлар, деган ривоят ҳам бор.

Қиз фарзандлари Зайнаб, Руқайя, Умму Кулсум, Фотималардир (розияллоҳу анхунна).

Қизларининг барчалари ислом даврига етишган, ҳижрат қилишган. Мазкур фарзандлари Хадича онамиздандир.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Иброҳим исмли кенжа ўғиллари ҳижрий 8-йил, зулҳижжа ойида Мадинада Мория Қибтиядан туғилган. Ўн саккиз ойлигида вафот этган.

Фотимаи Заҳродан бошқа барча фарзандлари Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳаётлик пайтларида вафот этишган. Қизлари Фотимаи Заҳро Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан етти ой кейин вафот этган.

Фарзандларининг энг каттаси Зайнаб (розияллоҳу анҳо) Абул Ос ибн Рабиъга хотин эди. Абул Ос кейинчалик мусулмон бўлади. Зайнаб (розияллоҳу анҳо) унга Мадина ҳижратидан салгина олдин Али исмли фарзандтуғиб беради. Лекин у балоғат ёшига етмасдан ўлади. Зайнаб (розияллоҳу анҳо) Мадина ҳижрати атрофида унга Умома исмли бир қиз туғиб беради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ана шу набираларини намозда кўтариб олганлари ривоят қилинган. Али (розияллоҳу анҳу) Умомага холаси Фотима (розияллоҳу анҳо) вафот қилганидан сўнг, унинг васияти билан уйланади. Али (розияллоҳу анҳу)дан сўнг у киши-

нинг васиятига кўра, унга Муғира ибн Навфал ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб уйланади. Унга Яҳёни туғиб беради ва Муғийранингникоҳида эканида вафот этади.

Фотима (розияллоҳу анҳо) Али (розияллоҳу анҳу)нинг хотини эди. Унга Ҳасан, Ҳусайн ва Муҳассин (розияллоҳу анҳум)ларни туғиб берди. Муҳассин кичиклигида оламдан ўтди. Яна Руқайя, Зайнаб ва Умму Кулсумларни туғди. Руқайя балоғатга етмай вафот қилди. Зайнаб Абдуллоҳ ибн Жаъфар (розияллоҳу анҳумо)га турмушга чиқди. Умму Кулсум (розияллоҳу анҳо) эса Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу)га турмушга чиқди. Унга Зайдни туғиб берди. Умму Кулсумга Умар (розияллоҳу анҳу)нинг вафотидан кейин Авн ибн Жаъфар уйланди. Унинг вафотидан сўнг укаси Муҳаммад ибн Жаъфар уйланди. Унинг вафотидан кейин эса укаси Абдуллоҳ ибн Жаъфар уйланди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қизлари Руқайя Усмон ибн Аффоннинг завжаси эди. Абдуллоҳ исмли бола туғди. Руқайя Зайд ибн Ҳориса Бадр кунисидаги ғалаба хушxabарини олиб келган куниси вафот этди. Олти ой сўнгра Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) унинг синглиси Умму Кулсумга уйланади. Умму Кулсум хижрий тўққизинчи йил Шаббон ойида вафот этади.

Хотинлари – Уммаҳотул мўминин

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хотинларидан биринчиси Хадича (розияллоҳу анҳо) онамиз эдилар. Хадича онамиз Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан ваҳий

келишидан олдин ўн беш йил, ваҳидан кейин ўн йил бирга яшадилар ва Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида вафот этдилар.

Кейин Савда бинти Замъа (розияллоҳу анҳо)га уйландилар. Савда онамиз кексайиб қолганларида ўз кунини Ойша (розияллоҳу анҳо) онамизга ҳадя қилиб: “Менинг эр кишига ҳожатим йўқ, лекин қиёматда сизнинг хотинларингиз жамоаси ичида бўлишни хоҳлайман”, деди. У киши Хадича онамиз вафотларидан кейин Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан уч йил ёлғиз яшади ва бир ривоятга кўра, ҳижрий эллик бешинчи йили вафот этди.

Кейин Ойша бинти Абу Бакр (розияллоҳу анҳумо)га Маккада, ҳижратдан бир ёки икки йил олдин фотиҳаландилар ва Мадинада ҳижрий 1 ёки 2-йил, Шаввол ойида бирга турмуш қурдилар. Ойша онамиз ҳижрий эллик еттинчи ёки эллик саккизинчи йили вафот этган. У опаси Асмонинг ўғли Абдуллоҳнинг исми билан “Умму Абдуллоҳ” деб куняланган эди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан бошқа қизга (яъни бокирага) уйланмаганлар.

Кейин Ҳафса бинти Умар (розияллоҳу анҳумо)га уйландилар. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни кейинчалик талоқ қилганлари ривоят қилинади. Шунда Жаброил (алайҳиссалом) тушиб деди: “Аллоҳ таоло сизга Ҳафсанинг талоқини қайтариб олишингизни буюрди. Чунки Ҳафса кундузлари кўп рўза тутадиган, кечалари кўп намоз ўқийдиган аёлдир”. Бошқа бир хабар-

да, Умар (розияллоҳу анҳу)га раҳмдиллик қилиш учун дейилган. Ҳафса онамиз ҳижрий қирқ бешинчи йили Шаъбон ойида вафот этган.

Кейин ҳижрий тўртинчи йили Уммул масокин Зайнаб бинти Ҳузайма (розияллоҳу анҳо)га уйландилар. У Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хузурларида уч ёки саккиз ой яшади, сўнг вафот этди.

Кейин Умму Салама Ҳинд бинти Абу Умайя (розияллоҳу анҳо)га уйландилар. Онамиз ҳижрий олтмиш иккинчи йили вафот этди. У Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг энг охирги вафот этган хотинларидир.

Кейин Зайнаб бинти Жаҳш (розияллоҳу анҳо)га уйландилар. Онамиз Мадинада ҳижрий йигирманчи йили вафот этди. У Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хотинлари ичида биринчи бўлиб вафот этган ва тобутга солиб кўтарилганларининг аввалгиси эди.

Кейин Жувайрия бинти Ҳорис (розияллоҳу анҳо)га уйландилар. У Бани Мусталиқ ғазотида асир олинган эди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни озод қилиб, унга уйландилар. Жувайрия онамиз ҳижрий эллик олтинчи йили вафот этди.

Кейин Сафийя бинти Ҳуяй (розияллоҳу анҳо)га уйландилар. У Ҳорун (алайҳиссалом)нинг авлодларидандир. Сафийя (розияллоҳу анҳо) Хайбар ғазотида асир олинган эди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни асирликдан озод қилдилар ва унинг озод қилинишини унга маҳр ҳисоблаб, унга уйландилар. У ҳижрий эллагинчи йили вафот этди.

Кейин Умму Ҳабиба бинти Абу Суфён (рози-яллоҳу анҳумо)га уйландилар. Ўшанда онамиз Ҳабашистонда эдилар. Нажоший (Ҳабашистон подшоҳи) Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг номларидан Умму Ҳабиба (розияллоҳу анҳо)га тўрт юз динор (тилла танга) маҳр берди. Никоҳида Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) вакил бўлиб турди. Умму Ҳабиба (розияллоҳу анҳо) ҳижрий қирқ тўртинчи йили вафот этди.

Кейин Маймуна бинти Ҳорис (розияллоҳу анҳо)га уйландилар. У Холид ибн Валид (розияллоҳу анҳу) ва Абдуллоҳ ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо)нинг холасидир. Маймуна (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг охириги уйланган аёли эди. У ҳижрий эллик биринчи йили вафот этган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг юқорида номлари зикр қилинган хотинлари билан эр-хотин бўлиб бирга яшаганлари собит бўлган. Уларнинг қабрлари Мадинадаги Бақиъ қабристониди. Фақат Ҳадича онамизнинг қабрлари Маккадаги Ҳажун қабристонидадир. Маймуна онамизнинг қабрлари эса Макка яқинидаги Фотима номли водийдан олдинги Сариф водийсидадир.

Сут эмишган биродарлари

Ҳамза ибн Абдулмутталиб, Абу Салама ибн Абдуласад ва Абдуллоҳ ибн Жаҳш. Улар билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни Абу Лаҳабнинг озод қилиб юборган чўриси Сувайба эмишган. Улар Сувайбанинг ўғли Масруҳнинг сугитига шерик бўлишган.

Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни Ҳалима Саъдия эмизган. Абу Суфён ибн Ҳорис мусулмон бўлган.

Абдуллоҳ, Унайса ва Шаймолар Ҳалиманинг фарзандлари эдилар. Ҳалиманинг эри Ҳорис ибн Абдулғуззо Саъдий эди.

Тоғалари

Расули акрам (алайҳиссалом)нинг тоғаларидан Асвад ибн Ваҳб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг олдиларига келди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) унга калималарни ва дуоларни ўргатдилар. “Шарҳул мавоҳиб”да шундай нақл қилинган.

Яна бир Тоғалари Абдуяғусибн Ваҳб. У Расули акрамни истехзо қилувчи жамоадан бўлмиш Асваднинг отаси эди.

Ҳижратлари

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари билан Маккада бирга бўлган саҳобаларига Мадинага ҳижрат қилишни ҳамда ансорларга бориб қўшилишни буюрдилар.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга: “Дарҳақиқат, Аллоҳ азза ва жалла сизларга у ерда биродарлар ва уй-жойлар тайёрлаб қўйибди. Сизлар у ерда омонликда бўласизлар”, деб марҳамат қилдилар. Бас, барчалари жўнаб кетишди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккада Аллоҳ таолодан Мадинага ҳижрат қилиб чиқишга рухсат келишини кутиб турдилар.

Умар ибн Хаттоб, Талха, Ҳамза, Зайд ибн Ҳориса, Абдурахмон ибн Авф, Зубайр ибн Аввом, Абу Ҳузайфа, Усмон ибн Аффон ва бошқалар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) бирга ҳижрат қилишди. Кетма-кет ҳижрат давом этди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга Маккада қамалганлар ва фитна-синовга дучор бўлганлардан бошқа ҳеч ким қолмади.

Фақатгина Али ибн Абу Толиб ва Абу Бакр ибн Абу Қуҳофалар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга қолишди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ҳижратга изн берилганида Абу Бакрнинг олдига келиб: “Аллоҳ таоло менга ҳам ҳижрат қилишимга рухсат берди”, дедилар. Абу Бакр: “Мен сизга ҳамроҳ бўлай”, деди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сиз ҳамроҳимсиз”, дедилар. Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) хурсандлигидан йиғлаб юборди. Абу Бакр шу муборак сафар учун олдиндан тайёрлаб қўйган иккита туяни олиб келди ҳамда йўл кўрсатиб бориш учун Абдуллоҳ ибн Урайқитни хизматга ёллади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва Абу Бакр Маккадан яширинча чиқишди. Абу Бакр ўғли Абдуллоҳга Маккада одамлар улар тўғрисида нима дейишаётганидан огоҳ бўлиб туришини буюрди.

Икковлари Савр тоғига етиб келишди ва тепасига чиқиб, бир кичик ғорнинг ичига кириб олишди. Улар шу ҳолатда яшириниб турганларида, Аллоҳ таоло бир ўргимчакни юборди. У эса тезлик билан ғорнинг оғзида турган дарахт билан ғор

ўртасига тўр тўқиб, Расули акрам (алайҳиссалом) билан Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)ни кўринмайдиган қилиб қўйди. Аллоҳ таоло иккита ёввойи каптарга буюрди, улар келиб дарахт билан ўргимчак ўртасига ўрнашиб олди.

Абу Бакрнинг хизматкори Омир ибн Фуҳайра қўйларини кундузи далада боқиб, кечаси Савр тоғи яқинига ҳайдаб келарди ва сут соғиб юқорига олиб чиқарди.

Баъзи мушриклар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг изларини топиб бордилар, лекин Аллоҳ таоло уларни адаштирди. Уларнинг изларини йўқотишди. Ғорнинг оғзида ўргимчак тўрини кўришди. Аллоҳ таоло бу ҳолатга ишора қилиб айтади: **“Шунда Аллоҳ унга таскин (хотиржамлик) нозил этди ва сизлар кўрмаган лашкарлар (фаришталар) билан уни қувватлади”** (Тавба, 40).

Икковлари ғор ичида эканлар, Абу Бакр мушрикларнинг оёқларини кўриб қолди ва “Ё Расулуллоҳ, агар уларнинг биронтаси эгилиб оёғи тагига қараса, бизни кўриб қолади”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Учинчилари (яъни ҳимоячилари) Аллоҳ бўлган икки киши ҳақида нима деб ўйлайсиз?” дедилар. Бу тўғрида Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган: **«Қачонки, уни кофирлар икки кишининг бири сифатида (ватанидан) чиқариб юборганларида, икковлари ғорда туриб, (Муҳаммад) ҳамроҳи (Абу Бакр)га: “Ташвиш чекма! Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир!” деган эди»** (Тавба, 40).

Қурайш катталари Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни йўқотиб қўйгач, ким у киши-

ни келтириб, уларга топширса, юзта туя мукофот берилишини эълон қилдилар. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) ва Абу Бакр ғор ичида уч кун турдилар, сўнгра чиқиб кетдилар. Абу Бакрнинг қизи Асмо уларга йўл озуқаси олиб келиб берди. Улар билан Омир ибн Фухайра ва йўлбошловчи Абдуллоҳ ибн Урайқит чиқди. Йўлбошловчи уларни соҳил бўйлаб олиб кетди.

Қурайшнинг Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам)ни тутиб келтирган кишига 100 та туя беришини эшитган Сууроқа ибн Молик уларнинг изидан тушди. Сууроқа уларга етай деганида отининг оёқлари ерга ботиб, йиқилди, ўзи ҳам ағдарилиб тушди. Ана шундай қилиб Сууроқанинг оти уч маротаба йиқилди, ўзи ағдарилиб тушаверди. Ваҳоланки, ер қаттиқ эди.

Бу ғайритабиий ҳолни кўриб, кўрқинчдан Сууроқани титроқ босди. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ таолонинг ҳимоясида экани унга аниқ равшан бўлди. У Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам)дан омонлик сўраб: “Мен Сууроқа ибн Моликман, Аллоҳга қасамки, энди мен сизларга зиён етказмасликка ваъда бераман, менга ёрдам беринглар”, деб қичқирди.

Шунда Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) Абу Бакрга: “Ундан сўра-чи, у биздан нима истайди?” дедилар. Сууроқа: “Эй Муҳаммад, менга бир омонлик хати ёзиб берингки, у сиз билан менинг ўртамда бир ҳужжат бўлиб қолсин”, деди. Шунда Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам) айтиб турдилар ва бир ривоятга кўра, Омир ибн Фухайра бир парча суякка ёки меш парчасига ёзиб Сууроқага берди. Сўнгра Расули акрам (соллал-

лоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Эй Суроқа, Кисро (Форс подшоси)нинг билакузугини қўлингга таққан пайтингда қандоқ ҳолатда бўларкансан?”, деб келажакдан башорат бердилар.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг бу башоратлари Умар (розияллоҳу анҳу) даврларида бутун Форс замини фатҳ этилганида рўёбга чиқди. Кисронинг билакузуги, камари ва тожи ҳазрат Умарга келтириб берилди. Шунда ҳазрат Умар Суроқани чақириб, унинг қўлига Кисронинг билакузугини тақиб қўйди ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг башоратлари ҳақиқатан рўёбга чиқди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) йўл юриб бораётганларида йўл ёқасида оиласи билан яшайдиган Умму Маъбад Хузоъийя деган бир аёлнинг олдига келдилар. Умму Маъбаднинг уйида ориқликдан юролмаи, сурувдан қолиб кетган бир совлиқ қўйи бор эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу қўйни кўриб: “Қани бир соғиб кўрайлик-чи” дедилар, сўнгра “бисмиллоҳ” деб дуо қилдилар ва қўйнинг елинини силадилар. Шунда қўйнинг елини сутга тўла бошлади. Сутдан соғиб Умму Маъбад ҳам, меҳмонлар ҳам тўйиб-тўйиб ичишди. Сўнгра Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) иккинчи бор қўйни соғиб, барча идишларни тўлдирдилар. Бу мўъжизани кўриб, Умму Маъбад хайрон бўлиб ўтириб қолди.

Кечқурун Умму Маъбаднинг эри Абу Маъбад даладан бир неча қўйларни ҳайдаб келди ва уйдаги сутларни кўриб хайрон бўлиб, у ҳақда сў-

ради. Умму Маъбад айтди: “Аллоҳга қасамки, бизникига бир муборак, олижаноб киши келиб кетди. У зотнинг сифатлари шундай-шундай”, деб кўринишларини чиройли сифатлаб берди. Шунда Абу Маъбад: “Аллоҳга қасамки, бу зот қурайшликлар излаб юрган киши бўлиши керак”, деди.

Йўлбошловчи уларни Мадина атрофидаги Қубо қишлоғига бошлаб келди. Ана ўша кун Рабиъул аввал ойининг ўн иккинчиси, душанба эди.

Озод қилган қуллари

Зайд ибн Ҳориса. Унинг ўғли Усома.

Савбон.

Абу Кабша Сулайм Бадр ғазотида қатнашган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни озод қилганлар. Ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳу) халифа бўлган куни вафот этган.

Анаса. Уни Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) озод этганлар.

Шукрон. Исми Солиҳ эди. Бир ривоятда у Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га оталаридан мерос қолган. Бошқа бир ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни Абдураҳмон ибн Авфдан сотиб олганлар ва озод қилганлар.

Рабоҳ Асвад Нубий. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга гоҳо ёлғиз қолганда чиқиб айланиб келишга рухсат берар эдилар. Уни ҳам озод этганлар.

Чўпон Ясор Нубий. Уни уранийлар ўлдирган.

Абу Рофеъ Аслам. Уни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га амакилари Аббос ҳадя қилган эди. Аббоснинг исломга киргани ҳақида Расулуллоҳ

лоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га хабар берганида уни озод қилиб юборган эдилар. Сўнгра уни Салмо номли чўриларига уйлантириб қўйганлар. Салмо унга ўғил фарзанд туғиб беради ва Убайдуллоҳ деб исм қўйишади.

Абу Мувайҳиба. Уни ҳам озод қилдилар.

Фазола. У Шом ўлкасида вафот этган.

Рофеъ. У Саъид ибн Оснинг қули эди. Уни ҳам озод қилдилар.

Мидъам. Уни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Рифоъа ибн Зайд Жузомий ҳадя қилган. Мидъам Қуро водийсида ўлдирилган.

Киркира Нубий. Уни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Ҳавза ибн Али ҳадя қилган. Уни ҳам озод қилганлар.

Зайд. У Билал ибн Ясорнинг бобоси эди.

Убайд.

Таҳмон.

Маъбур Қибтий. У Муқавқис (Миср подшоҳи) берган ҳадялардан эди.

Воқид.

Абу Воқид.

Ҳишом.

Абу Замра. У жангу жадалсиз қўлга киритилган ўлжалардан эди. Уни ҳам озод этганлар.

Ҳунайн.

Абу Усайб. Унинг исми Аҳмар эди.

Абу Убайд.

Сафина. У Умму Салама хизматида бўлганида уни Умму Салама озод қилди ва унга ҳаёти давомида Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га хизмат қилишини шарт қилиб қўйди. Шунда

Сафина: “Гарчи шарт қилиб қўймаганингизда ҳам, у зотдан ажрамасман”, деди. Унинг исми Рабоҳ эди, бир ривоятда Мехрон дейилган.

Абу Ҳинд. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни озод қилганлар.

Анжаша Ҳодий.

Абу Лабонава бошқалар.

Аёллардан озод қилган чўрилари: Салмо Умму Рофеъ, Умму Айман Барака, Мория, Райҳона, Қайсар. У Мориянинг синглиси эди. Маймуна бинти Саъд. Ҳазра. Разво.

Билингки, бу қуллар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларида бир вақтда эмас, балки ҳар хил вақтларда хизматда бўлганлар.

Ходимлари ва баъзи вазифадор асҳоблари

Анас ибн Молик, Ҳорисанинг ўғиллари Ҳинд ва Асмо, Рабиъа ибн Каъб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Уқба ибн Омир, Билол, Абу Бакрнинг озод қилган қули Саъд, Махрама ибн Абу Нажоший, Букайр ибн Жаддох Лайсий, Абу Зарр Ғифорий, Айман ибн Умму Айман, Аслаъ ибн Шарик, Умму Саламанинг озод қилган қули Муҳожир, Нуъайм ибн Рабиъа Асламий, Абу Ҳамро Ҳилол ибн Ҳорис, Абу Самх Иёд.

Аёллардан: Барака Умму Айман Ҳабашия, у Усома ибн Зайднинг онаси эди. Ҳафс ибн Саъиднинг момоси Хавла, Салмо Умму Рофеъ, Маймуна бинти Саъд, Умму Айёш. У Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қизлари Руқайянинг озод қилган чўриси эди.

Али ибн Толиб. У жазога лойиқ кишиларни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хузурларида жазолар эди. Зубайр ибн Аввом, Миқдод ибн Амр, Муҳаммад ибн Маслама, Осим ибн Собит, Заҳҳок ибн Суфён. Қайс ибн Саъд ибн Убода Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хузурларида миршаб мақомида эди. Билол Ҳабаший Расулуллоҳнинг оиларўзгорларидаги харажатлар ва нафақа ишларига масъул эди. Муайқиб ибн Абу Фотима Давсий Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мухрларини сақлаш учун масъул эди. Ибн Масъуд эса мисвоклари, оёқ кийимларини асраш ва керакли пайтда уларни тақдим этиш ишларига масъул эди ҳамда таҳорат олишда хизматларида ҳозир бўлиб турар, юрганларида баъзан асо кўтариб, йўл бошлар эди. Абу Рофеъ. Унинг исми Аслам эди. У Расули акрамнинг сафар юкларини кўтариб юрарди ва унга масъул эди.

Уқба ибн Омир Жуҳаний Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хачирлари Дулдулни боқиш, парвариш қилиш ишларига масъул эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бирон жойга сафарга чиқсалар, у зотни хачирга миндириш, тушириш ишларини ҳам бажарар ҳамда хачирни етаклаб юрар эди. Аслам ибн Шарик ибн Авф Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг туяларини парвариш қилар эди. Сафар чоғида юкларини унга ортар ва керакли жойда унинг устидан туширар эди.

Холид ибн Ясорибн Авф Ғифорий, Ҳассон Асламий ва Ножия ибн Жундаб Асламийлар Пай-

Ғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг туялари парваришларига масъул эдилар.

Зарр ибн Абу Зарр Ғифорий оиласи билан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг соғин туяларини Ғоба номли жойда боқар эди.

Заҳҳок ибн Суфён ибн Каъб қиличи билан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни ҳимоя қилиб юрар эди. У жуда жасур, қўрқмас киши эди. Унинг бир ўзи юзта отличнинг ўрнини босар эди. Абдурахмон ибн Авф Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хотинларига ишончли ҳимоячи эди. Ҳазрат Умар даврларида, ҳижрий 23 йилда Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хотинлари ҳаж қилишни хоҳлаганларида уларга рухсат берди. Шундан сўнг улар туя устига ўрнатилган тахтиравонга ўтириб, бошларига катта яшил ридо ёпинишиб йўлга чиқишди. Уларнинг олдиларида Абдурахмон ибн Авф, орқаларида эса Усмон ибн Аффон борар эдилар. Улар бирон кишини уларнинг яқинига йўлатмас эдилар.

Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу)нинг ўзлари ёки гоҳ бошқа биров орқали Расули акрам ҳузурларига келган элчилар ва келувчиларга Пайғамбар (алайҳиссалом)га қандай салом беришни ва у зотнинг ҳузурларида қандай ўтиришни ўргатар эди. Ибн Исҳоқ Сақиф элчилари ҳақидаги қиссада келтирганидек, Абу Бакр Сиддиқ уларнинг олдиларига ўзлари чиқиб, мазкур тартибқоидаларни ўргатган эди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) баъзи уй юмушларида бир яҳудий болани ҳам ишлатган

эдилар. У яҳудий болага исломни қабул қилишни таклиф қилганларида, исломни қабул қилган ва мусулмон ҳолатида вафот этган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир қанча ишларни ўзлари бажарар эдилар, уларни бирон кишига буюрмас эдилар. Чунончи садақа бериш, кечалари туриб таҳорат олишга ўхшаш ишларда.

Ибн Саъд Басрий Айёш ибн Абу Рабиъанинг озод қилган қули Зиёддан ривоят қилиб айтади: “Иккита хислатли амаллар борки, уларни бажаришда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўпинча бирон кишини вакил қилмас эдилар: “Кечалари турганларида таҳорат қилишда ва тиланчига садақа беришда”.

Тан кўриқчилари

Саъд ибн Муоз Бадр кунида, Абу Бакр Сиддиқ ҳам Бадр куни чодирда, Заквон ибн Абдуқайс ва Муҳаммад ибн Масламалар Уҳуд ғазотида, Зубайр Хандақ ғазотида, Аббод ибн Бишр, Саъд ибн Абу Ваққос ва Абу Айюблар Хайбар ғазотида, Билол Ҳабаший Қуро водийсида Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га тан кўриқчилик қилганлар. **“Аллоҳ Сизни одамлар (зарари)дан сақлагай”** (*Моуда, 67*) ояти нозил бўлгач, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тан кўриқчиларни тарк этдилар.

Подшоҳларга жўнатган элчилари

Амр ибн Умайя Замрий, у Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Нажошийга биринчи юборган элчисидир. Нажошийнинг исми Асҳама бўлиб, совға-ҳадя маъносидадир. Нажоший Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мактубларини кўзига суртиб, тахтидан тушди ва ерга ўтирди. У исломга кирган ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлик пайтларида ҳижрий тўққизинчи йилда оламдан ўтган. Унга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ғоибона жаноза намозини ўқиганлар.

Дихя ибн Халифа Калбийни Рум подшоҳи Қайсар (Ҳирақл)га юбордилар. Унга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг номалари ўқиб берилади. Ҳирақл Исломнинг илоҳий дин эканини, Расули акрамнинг Аллоҳ таоло тарафидан пайғамбар этиб юборилганларини тушуниб етади. Лекин Рум халқи унга муҳолиф бўлиб қолиши ва салтанати қўлидан кетиб қолишидан қўрқиб Исломни қабул қила олмайди.

Абдуллоҳ ибн Ҳузофа Саҳмийни Кисро (Форс подшоҳи)га юбордилар. Кисро Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юборган номани парчалаб ташлади. Бу хабарни эшитиб Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло унинг салтанатини парчалаб ташласин!” деб дуоибад қилдилар ва натижа ҳам шундай бўлди.

Ҳотиб ибн Абу Балтаъани (розияллоҳу анҳу) Муқавқис (Миср подшоси)га юбордилар. Муқавқис исломга яқинлашди. Пайғамбар (соллалло-

ху алайҳи ва саллам)га Мория ва унинг синглиси Сийринни, Дулдул номли кулранг хачирни, минг динор (тилла танга)ни ҳамда йигирма хил кийим-кечакларни совға қилиб бериб юборди.

Айрим сийратчиларнинг сўзларига қараганда, Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳижрий еттинчи йили бошида бир куннинг ўзида олти нафар элчи юборганлар. Уларнинг ҳар бири ўзи юборилаётган халқнинг тилида гапирадиган бўлишган.

Амр ибн Осни Умон подшолари Жуландо ўғиллари Жайфар ва Абдга юбордилар. У икковлари ҳам ислом ҳақида хабарни эшитиб имон келтирдилар. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ўзларининг эхтиромларини кўрсатдилар. Амр ибн Ос Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларигача закот йиғиш ва ўрталарида ҳукм чиқариш ишларига масъул бўлди.

Салит ибн Амр Омирий (розияллоҳу анху)ни Ямома ўлкаси амири Ҳавза ибн Алига юбордилар. Ҳавза элчига иззат-икром кўрсатди ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га жавобнома ёзиб бундай деди: “Сен даъват қилаётган дин жуда ҳам яхши ва гўзал экан. Мен халқим ичида обрўлиман, таниқли воиз ва шоирман. Шу боис бошқарув ишларингда мени шерик қилсанг, шунда сенга эргашаман ва тобе бўламан”. Буни эшитиб, Расулulloҳ ундан юз ўгирдилар. Ҳавза кофир ҳолида ўлди.

Шужоъ ибн Ваҳб Асадийни Шом ўлкасидаги Балқо вилоятининг ҳокими Ҳорис ибн Абу Шимрга юбордилар. Ҳорис юборилган номани ўқиб

газабланди, уни отиб юбориб: “Мен унинг устига юриш қиламан”, деди ва уруш қилишга тайёргарлик кўра бошлади. Аммо Рум подшоҳи уни бу аҳмоқона ишдан тўхтатди.

Муҳожир ибн Абу Умайя Махзумийни Яман подшоси Ҳорис Ҳимярийга юбордилар.

Ало ибн Ҳазрабийни Баҳрайн подшоҳи Мунзир ибн Совийга юбордилар. У номани кўп хушнудлик билан ўқиб, исломни қабул қилди. Барча халқини Исломга даъват этди.

Абу Мусо Ашъарий билан Муоз ибн Жабални Яманга юбордилар. Яман ўлкасининг барча подшоҳлари ва волийлари ҳеч қандай қаршилик кўрсатмасдан ёппасига Исломга кирдилар.

Котиблари

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг котиблари тўрт халифа, Талҳа ибн Убайдуллоҳ, Зубайр ибн Аввом, Омир ибн Фуҳайра, Абдуллоҳ ибн Арқам, Убай ибн Каъб, Собит ибн Қайс, Холид ибн Саъид, Ҳанзала ибн Рабиъ, Зайд ибн Собит, Муовия, Шураҳбил ибн Ҳасана, Ало ибн Ҳазрабий, Холид ибн Валид, Муғийра ибн Шўъба, Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Ҳузайфа ибн Ямон ва бошқалар эдилар.

Муовия ва Зайд ибн Собитларни бу китобат ишига махсус тайинлаб, белгилаб қўйган эдилар.

Номаларидан парчалар

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳирақл (Рум подшоҳи)га ушбу номани юборганлар:

“Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим. Аллоҳнинг қули ва пайғамбари Муҳаммаддан Румнинг улуғи Ҳирақлга! Ҳақ йўлга эргашганларга салом. Бундан кейин шулки, мен сени Ислом динини қабул қилмоққа даъват қиламан. Исломни қабул қил, саломат бўласан. Икки карра савоб оласан. Агар қабул қилмасанг, сенга қарашли барча халқнинг гуноҳи сенинг зимманга тушади. **“Эй китоб аҳли, биз билан сизнинг ўртамизда баробар бўлган бир сўзга келингиз – ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва Аллоҳни қўйиб бир-бирларимизни илоҳ қилиб олмайлик!”** Агар (бу таклифдан) юз ўгирсалар, (сизлар уларга): **“Гувоҳ бўлингларки, биз мусулмонлармиз”,** деб айтиб қўйингиз” (Оли Имрон, 64).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Нажошийга юборган номалари:

“Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим. Аллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан Ҳабашистон подшоҳи Нажошийга! Аммо баъд, мен сенга Аллоҳни мақтаб ёд этаман. Аллоҳдан бошқа ҳақ маъбуд йўқ, У ҳақиқий подшоҳдир. Ҳар бир камчилик ва айбу нуқсонлардан покдир. Бандаларни барча офатлардан асрагувчидир. Яна гувоҳлик бераман, Марям ўғли Исо (алайҳиссалом) Аллоҳнинг руҳи ва калимасидир. Аллоҳ таоло бу калимасини пок,

обида, зоҳида, ибодатли Марямга ташлаган, на-тижада у Исо (алайҳиссалом)га ҳомиладор бўлган. Аллоҳ таоло Одам (алайҳиссалом)ни ўз қудрати билан яратганидек, Исо (алайҳиссалом)ни ўз “руҳи” ва “пуфлаши”дан яратган. Мен сени шериги йўқ, яккаю ягона Аллоҳга имон келтирмоққа, У Зотга доимо итоат қилмоққа ва менга эргашмоқлигинга ва менга келган Қуръонга имон келтирмоқлигинга даъват этаман. Мен Аллоҳнинг ҳақ пайғамбаридурман. Сени ва аскарларингни Аллоҳга имон келтиришга чақираман. Аллоҳнинг буйруғини сизларга етказдим, насиҳат қилдим. Насиҳатимни қабул қилинглари. Сизларга амакимнинг ўғли Жаъфарни ва у билан бирга мусулмонлардан бир гуруҳни юбордим. Ҳақ йўлига эргашганларга салом”.

Бу номани Амр ибн Умайя Замрий деган саҳоба орқали Нажошийга юбордилар. Нажоший хатни ўқиб бундай деди: “Гувоҳлик бераманки, бу Китоб аҳли кутаётган уммий (ўқиш ва ёзишни билмайдиган) пайғамбардир. Мусо (алайҳиссалом) эшак минувчи (Исо алайҳиссалом) ҳақида хушxabар берганидек, Исо (алайҳиссалом) ҳам туя минувчи (Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳақларида хушxabар бергандир”. Сўнг Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ушбу жавоб номани ёзди:

“Бисмиллаҳир Раҳмонир Раҳим. Аллоҳнинг элчиси Муҳаммадга Нажоший Асҳамадан. Ё Расулulloҳ, сизга ҳам салом, Аллоҳнинг раҳмати ва баракотлари бўлсин. Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ. У ёлғиз Аллоҳдир. У яккаю ягона, мени Ислому

диниға ҳидоят қилди. Аммо баъд: Ё Расулуллоҳ, юборган номангиз менга етиб келди. Еру осмоннинг Парвардигори номига қасам, Исонинг яратилиши сиз айтгандекдир, ҳеч бошқача эмас. Амакингиз ўғли ва унинг йўлдошларини ўзимга яқин қилдим. Ростлик билан гувоҳлик бераман, сиз Аллоҳ юборган ҳақ Пайғамбардирсиз. Сизга байъат қилдим. Амакингиз ўғли қўлида Ислом динига кирдим. Сизнинг хузурингизга ўғлимни юбормоқдаман, агар хоҳласангиз, менинг ўзим ҳам бораман, нимани буюрсангиз, шуни қиламиз. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!”

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Форс подшоҳи Кисрога юборган номалари:

“Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳим. Аллоҳнинг элчиси Муҳаммаддан Форс улуғи Кисрога. Ҳақ йўлини қабул қилган, Аллоҳга ва Пайғамбарига имон келтирган ҳамда “Ёлғиз, шериксиз Аллоҳдан бошқа ҳақ маъбуд йўқ, Муҳаммад У Зотнинг қули ва элчисидир”, деб гувоҳлик берганларга салом. Сени Ислом динига даъват қиламан. Мен Аллоҳнинг барча инсонларга юборган ҳақ Пайғамбаридурман. Тирик бўлган инсонларни огоҳлантириш ва Аллоҳнинг азоб сўзи кофирларга бўлсин учун. Ислом динини қабул қил, саломат қолурсан. Агар қабул қилмайдиган бўлсанг, барча форс халқининг гуноҳи сенинг зимманга юкланур”.

Бу номани Абдуллоҳ ибн Ҳузофа Саҳмий Кисрога олиб бориб берди.

Кисро номани ўқитиб кўрди ва ғазабланиб номани парча-парча қилиб йиртиб ташлади. Бу

воқеа Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам)га етиб борди. Шунда У зот: “Унинг мулкини Аллоҳ таоло парча-парча қилсин!” деб дуоибад қилдилар. Натижа ҳам шундай бўлди.

У зотнинг амирлари

Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам) Баҳром фарзандларидан бўлган Бозон ибн Сомонни Яманга амир қилдилар. Санъога Холид ибн Саъидни амир қилиб юбордилар. Зиёд ибн Лабид Ансорийни Ҳазрамавтга, Абу Мусо Ашъарийни Забид ва Аданга, Муоз ибн Жабални Ямандаги Жанадга, Абу Суфён ибн Ҳарбни Нажронга ва унинг ўғли Язидни Таймога волий қилиб юбордилар. Ҳижрий саккизинчи йили Аттоб ибн Усайдни Маккага ҳам волий, ҳам ҳаж ишларига масъул қилиб тайинладилар.

Али ибн Абу Толибни Яманга қози қилиб жўнатдилар. Амр ибн Осни Умонга ҳоким қилиб юбордилар. Ҳижрий тўққизинчи йили фарз қилинган ҳажни адо қилиш учун Абу Бакр Сиддиқни мусулмонларга бошлиқ этиб юбордилар. Унинг кетидан ҳазрат Алини юбордилар. Ҳазрат Али Бароат сурасини одамларга ўқиб берди. Қолаверса, Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам) закотларни йиғиш ишларига кўп кишиларни тайинлаганлар.

Муаззинлари

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг тўртта муаззинлари бўлган. Улардан иккитаси Мадинаи мунавварада азон айтган. Бири Билол ибн Рабоҳ, иккинчиси Абдуллоҳ ибн Умму Мактум Қураший. Бу кишининг кўзлари ожиз бўлган.

Қубо масжидида Амморнинг озод қилган қули Саъд Қараз азон айтган.

Абу Маҳзура Авс Жумаҳий (розияллоҳу анҳу) Маккаи мукаррамада азон айтган.

Шоир ва хатиблари

Пайғамбаримиз Муҳаммад (алайҳиссалом)нинг шоирлари ўз шеърлари билан Ислом динини ҳимоя қилганлар. Улар Каъб ибн Молик Ансорий, Абдуллоҳ ибн Равоҳа Ансорий ва Ҳассон ибн Собит Ансорий (Аллоҳ улардан рози бўлсин). Саҳобалар ичида исломга даъват қилишда катта ўринга эга бўлган шоирлар ҳам бор эди. Тўрт халифалар ҳам ўшандай улуғ мақомга эга бўлган шоирлардан эдилар. Саййид Мустафо Сиддиқий бобоси Абу Бакр Сиддиқнинг шеърларидан бир девон (шеърий тўплам) тўплаган эди.

Шоир саҳобалардан: Каъб ибн Зухайр, Забракон, Аббос ибн Мирдос, Аббос ибн Абдулмутталиб ва ўғли Абдуллоҳ ибн Аббослар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хатиблари Собит ибн Қайс ибн Шаммос Ансорий эди. Сафарга чиқилганда у зотнинг олдиларида Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Омир ибн Акваъ, Анжаша

(қора қул) ва Баро ибн Молик (розияллоху анхум)лар туяларни етаклаб, хиргойи қилиб борар эдилар.

Ғазавотлари ва сариялари

Ғазот – Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг ўзлари қатнашган жанг. Сария – Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) бирор мақсадни кўзлаб, бир саҳоба бошчилигида юборган махфий жангавор гуруҳ (унда жанг бўлган бўлмаганлигидан қатъи назар). Кўпчилик олимларнинг айтишларича, Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг ғазотлари йигирма етти маротаба бўлган. Ана ўша ғазотларнинг тўққизтасида жанг бўлган, холос. Улар тартиб ила: Бадр, Уҳуд, Хандақ, Бани Қурайза, Бани Мусталиқ (Мурайсиъ), Хайбар, Макка фатҳи, Хунайн ва Тоиф. Баъзи тарихчилар Водилқуро ва Ғобада ҳам жанг содир бўлган, дейишган. Сариялар эса эллик олти марта ёки эллик марта амалга оширилган, дейилади.

Ҳаж ва умралари

Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) Мадинаи мунавварадан бориб, умрларида бир марта ҳаж қилганлар. У ҳам бўлса “Ҳажжатул вадоъ”, яъни “Хайрлашув ҳажи” эди. Тўрт маротаба умра қилганлар. Биринчиси, ҳижратнинг олтинчи йилида, ана ўша умра сафарида Худайбия сулҳи натижасидан кифояланиб, Маккага кирмасдан қайтиб келган эдилар. Иккинчи умралари эса, Худайбия сулҳида Қурайш қабиласи билан келишилган сулҳга кўра, ҳижрий еттинчи йили амал-

га оширилди. Учинчиси ҳижрий саккизинчи йили Макка фатҳидан кейин Тоиф ғазотидан қайтишларида, тўртинчиси эса ҳижрий ўнинчи йили “Ҳажжатул вадӯ” билан бирга ҳаждан олдин бўлган.

Уловлари

У зотнинг тахминан ўнта отлари бўлган:

Сакб (йўрға) – уни Уҳуд жангида минган эдилар. Пешонаси қашқа, оёқларида ҳам оқи бор бўлиб, садоқатли эди.

Муртажиз (чиройли кишнайдиған). Ҳузайма ибн Собит ушбу отнинг шундайлигига гувоҳлик берган эди.

Лизоз (ёлдор, ёли чиройли). Бу отни Миср подшоҳи Муқавқис совға қилиб юборган эди.

Лаҳиф (гўштдор ва катта). Бу отни Рабиъа ибн Абу Баро совға қилган.

Зариб (матонатли). Бу отни Фарва ибн Амр Жузомий совға қилган эди.

Вард (атиргул). Бу отни Тамим Дорий совға қилган.

Булардан ташқари Мирвоҳ (шамолдай еладиган), Сабҳа (тез сузадиган) ва Баҳр (денгиз) номли отлари бор эди. Баҳрни Яман савдогарларидан сотиб олган эдилар. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Баҳр номли отни миниб уч маротаба пойга ўйнаганларида у ютиб чиққан эди. Ўшанда Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг юзини силаб, сен аниқ денгизсан, деган эдилар. Яна Мандуб, Нажиб, Яъсуб ва Сирхон номли отлари ҳам бор эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг бир неча хачирлари ҳам бўлган. Улардан Муқавқис совға қилган хачир исломда илк минилган хачирлардандир. У “Дулдул” деб номланар эди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан кейин ҳам узоқ йил яшади. Жуда қариб қолиб, тишлари тўкилиб кетди. Саҳобалар унга зиёфат қилиб, арпани туйиб, янчиб берар эдилар. У кулранг эди. Айлийя номли хачирни Айла подшоҳи совға қилган эди. Яна бир бошқа хачир Давматул Жандадан келтирилган эди. Яна бир хачирлари бор эди, у “Физза” (кумуш) деб аталар эди. Яна Фарва Жузомий совға қилган оқ рангли хачирлари бор эди. Уни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Хунайн ғазотида минган эдилар. Кейинчалик уни Абу Бакр (розияллоҳу анҳу)га ҳадя қилдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Уфайр ва Яъфур деб номландиган эшаклари ҳам бор эди. У зотнинг сигир сақлаганлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Қуроллари

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг тўққизта қиличлари бўлган. Биринчиси оталари Абдуллоҳдан мерос қолган “Маъсур” номли қилич. “Зулфиқор” номли қиличлари ҳам бор эди. У Бани Саҳм уруғининг Бани Ҳажжож аймағларидан Бадр жангида ўлжа қилиб олинган эди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тушларида мана шу қиличларининг тиғида бир ёриқ борлигини кўрдилар. У зот уни мағлубиятга таъбир қилдилар. Уҳуд жангида шундай бўлди ҳам.

Баттор (кескир), Ҳатф (ўлим), Михзам (ўткир), Расуб (уриб ўтувчи), Азб, буни Саъд ибн Убода берган эди. Қазиб – бу Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) таққан биринчи қилич бўлиб, унинг маъноси қиличлар ичида энг гўзали, яхши-си дегани. Қалаъий – саҳродаги Қалаъ деган жой номидан олинган. Анас ибн Молик (розияллоҳу анҳу) айтади: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қиличларининг тиғи ва дастаси кумушдан эди, улар ўртасида эса кумуш ҳалқалар бор эди”.

Найзалари тўртта бўлган (баъзилар бешта, деган): учтаси Бани Қайнуқодан. Мусвий (суқилган нарсани жойига михлаб қўювчи) ва Мусний.

Яна Набъа номли найзалари, Байзо номли катта найзалари ва Аназа номли кичик найзалари бўлган. Мана шу учинчисини баъзан ўзлари билан олиб юрардилар, ҳайит кунлари ҳам олиб чиқиб, рўпараларига сутра сифатида қадаб қўярдилар.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг совутлари еттитадир:

Зотулфузул, Зотулвишоҳ, Зотулҳавоший, Суғдийя (жой номига нисбатан), Физза, Батро (қалта бўлгани учун шундай аталган) ва Хирниқ (күёнча, күён боласининг номи).

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Зотул фузулни Бадр ва Ҳунайн ғазотларида кийган эдилар. Айтишларича, у зотда Довуд (алайҳиссалом) Жолут билан жанг қилганида кийган совут ҳам бор эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг олтита камонлари бўлган:

Завро, Равҳо, Сафро, Шавҳат, Катум, Саод.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Кофур номли садоқлари (камон ўқлари солинадиган ўқдон), теридан тикилган камарлари ҳам бўлган.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Залуқ исмли қалқонлари бўлиб, ундан қурол сирғалиб кетар эди. Футақ номли қалқонлари ва яна бир ҳадя қилинган қалқонлари ҳам бор эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг сариқ мис юритилган Мувашшаҳ номли дубулғалари, Сабуғ ёки Зу Сабуғ номли дубулғалари ҳам бор эди.

У зотнинг Уқоб номли бир қора байроқлари, яна сариқ рангли байроқлари ҳам бўлган. Бу Абу Довуднинг “Сунан”ида келган. Яна бир Зийна деб аталадиган оқ байроқлари ҳам бўлган.

У кишининг боши қайрилган кичик бир асолари бўлиб, у Дафан деб аталарди, унинг узунлиги бир зирוף (46,2 см)эди. Уни ўзлари билан олиб юрар, туяда юрганларида олдиларига илиб қўяр эдилар.

У зотнинг кичик ҳассалари ҳам бор бўлиб, уни “Уржун” дейиларди. Шавҳат (иссиқ мамлакатларда ўсадиган танаси қаттиқ арчасимон ўсимлик) ёғочидан қилинган таёқлари ҳам бор эди. Уни “Мамшук” (ингичка узун) деб аталарди. Айтишларича, ўша таёқ халифаларга қўлма-қўл ўтиб келган.

Кийимлари ва уй жиҳозлари

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларидан иккита йўл-йўл устки кийим, яманий шалвар, иккита кийим, битта кўйлак, яна

бир оқ пахта кўйлак, яманий яктак, қора кийим, оқ кийим, уч-тўртта бош кийим ва битта чакмон қолдирдилар.

Халтачалари бор эди, унда ойна, фил суягидан ясалган тароқ, қайчи ва мисвоклари турар эди.

Ичига хурмо пўстлоғи тиқилган тўшаклари бор эди. Уч жойидан кумуш билан ямалган косалари ва бошқа яна бир косалари бор эди. У Райён деб аталарди. Яна бошқаси Муғис деб аталар эди. Яна шиша косалари ва хурмо ёғочидан қилинган косалари ҳам бор эди. Мисдан ясалган тоғоралари ҳам бор эди. Унда хина ва катам (қора хина) тайёрланиб, иситмалари чиққанида бошларига кўйилар эди. Содира номли теридан ясалган сув ичадиган кичик идишлари ҳам бор эди. Шиша идишлари ҳам бор эди. Сарик мисдан ясалган чўмиладиган тоғора ва Ғарро деб аталадиган ёғоч лаганлари бор эди. Фитр садақасини ўлчайдиган соъ (2,750 л) ва мудд (0,687 л) идишлари бор эди. Оёқлари сож дарахтидан ясалган каравотлари бор эди. Шолчалари бор эди. Кумуш узуклари бор эди, унга “Муҳаммад Расул Аллоҳ” деб ўйиб ёзилган эди. Нажоший иккита оддий маҳси ҳадя қилган эди. У зот ўша маҳсиларни кийиб юрар эдилар. Яна бир қора кийим ва қора саллалари бор эди, у Саҳоб (Булут) деб аталарди. У қора саллани ҳазрат Алига ҳадя қилиб берганлар.

Шунинг учундир, ҳазрат Али шу саллани кийиб келганларида “Али олдингизга “булут”да келди”, деган эканлар.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-нинг бошқа кунларда киядиган кийимларидан бошқа жума куни киядиган алоҳида иккита ки-

йимлари ва битта дастрўмолчалари ҳам бор эди.

У зотнинг бир яшил шойи чакмонлари, бир яшил ридо ва яна бир чопонлари бор эди, уларни урушда кияр эдилар.

Мўъжизаларидан лавҳалар

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га берилган мўъжизалардан энг улуғи Қуръондир. Шаққи садр (Кўкракларининг ёрилиши воқеаси), Исро ва Меърож воқеаси, Байтул Мақдис ҳақида хабар беришлари, ойнинг иккига бўлиниши. Қурайш қабиласидан бир тўдаси у зотни ўлдиришга келишиб оладилар. Буни эшитиб Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларнинг олдиларига борадилар, шунда уларнинг кўзлари ерга қараб қолади, ияклари эса кўкракларига осилиб тушади. Расули акрам уларнинг бошлари тепасига келадилар ва бир сиқим тупроқ олиб: “Бу юзлар қаро бўлсин!” деб тупроқни уларнинг устига сочиб юборадилар. Уларнинг қайси бирига шу тупроқдан теккан бўлса, барчаси Бадр жангида ҳалок бўладилар. Ҳунайн ғазотида юзларига тупроқ сочилган қавмни ҳам Аллоҳ таоло мағлуб қилади.

Ҳижрат пайтида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг орқаларидан эргашиб, уларни йўлдан тўсмоқчи бўлган Суроқа отининг оёқлари қаттиқ ерга ботиб кетди.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) така ирғимаган бир эчкининг устини силаганларида, унинг елинида сут пайдо бўлиб, тўлиб-тошиб чиқа бошлади.

Умму Маъбад қўйининг елинини силаганларида ҳам сути қуйилиб кела бошлаган эди. Ҳазрат Умар билан Ислому динини қувватли қилишини Аллоҳ таолодан дуо қилиб сўраганларида ҳам натижа шундай бўлган эди. Ҳазрат Алини Аллоҳ таоло иссиқ ва совуқ ҳаводан асрасин, деб дуо қилдилар. Али (розияллоҳу анҳу)га иссиқ ҳам, совуқ ҳам азият бермайдиган бўлди. Хайбар ғазотида бир куни ҳазрат Алининг кўзлари оғриб қолганида, кўзларига туфлаб қўйдилар, шу заҳотиёқ кўзлари шифо топди. Шундан сўнг кўзлари ҳаргиз оғримайди. Қатода ибн Нўъмон (розияллоҳу анҳу)нинг ёноғига осилиб тушган кўзини ўз ўрнига қайтариб қўйдилар. Шундан сўнг ўша кўзи бошқасидан ҳам яхши кўрадиган бўлди. Абдуллоҳ ибн Аббосга тафсирида ва динда фақиҳ бўлишини дуо қилдилар. Кейинчалик у “уммат олими” ва “Қуръон таржимони” деб аталадиган бўлди. Жобирнинг пойгада орқада қоладиган туясини дуо қилганларидан сўнг у жуда чопағон бўлиб, ҳаммадан илгари борадиган бўлди. Анас ибн Моликка узоқ умр, мол-дунё ва фарзандларига барака тилаб дуо қилдилар. Натижа ҳам шундай бўлди. Жобирнинг хурмоларига барака сўраб дуо қилганларидан кейин, у барча қарзларидан қутилди, яна ўн уч васак (1700 кг) ортиб ҳам қолди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёмғир ёғишини тилаб дуо қилганларида бир ҳафта ёмғир ёғди. Сўнгра ёмғир тинишини сўраб дуо қилдилар, шу заҳоти булутлар тарқаб, осмон очилди. Утайба ибн Абу Лаҳабни дуоибад қилган эдилар, Шом ўлкасининг Зарқо деган жойида бир шерунинг бошини ғажиб ташлади.

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га пайғамбарлик келиши арафасида тош ва дарахтлар у зотга: “Ассалому алайка, Ё Расулуллоҳ” деб салом беришди. Расули акрам: “Маккада бир тошни биламан, у менга пайғамбарлик келмасидан олдин салом берар эди”, дедилар. Хурмо кундаси у зот узоқлашганларида йиғлаганга ўхшаш овоз чиқарди. Кафтларидаги майда тошлар, шунингдек, таомлар ҳам тасбеҳ айтар эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га душманлари заҳар бермоқчи бўлганларида заҳарланган қўй ўзига заҳар қўшилганини билдирди. Бир туя эгалари уни кўп ишлатиб, оз емиш бераётганларини Расули акрамга шикоят қилди.

Бадр жанги куни мушриклардан кимлар қаерда ўлишини хабар бердилар. Уларнинг барчаси у зот хабар берган жойларда ҳалок бўлишди. Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларидан кейин умматларидан бир тоифа кишилар ғазот қилиб денгизга чиқиши, Умму Ҳаром бинти Милҳон ҳам улар билан бирга бўлиши ҳақида хабар берганлар. Барчаси айтганларидек бўлган.

Усмон (розияллоҳу анҳу)га: “Сенга қаттиқ кулфат етади”, деганлар. Шундай ҳам бўлди, у киши ўлдирилди.

Ансорийларга эса: “Сизлар мен ўтгандан кейин худбинликка йўлиқасизлар”, дедилар. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди.

Ҳасан ибн Али ҳақларида: “Бу ўғлим Саййиддир. Албатта, Аллоҳ таоло у билан мусулмонларнинг икки буюк жамоасини сулҳга келтиради”, дедилар. Айтганларидек бўлди.

Пайғамбарлик даъвосини қилган каззоб Ансий Санъода қатл этилган кеча унинг ўлдирилгани ва ким томонидан ўлдирилгани ҳақида Мадинада туриб хабар бердилар.

Собит ибн Қайсга: “Мақтовли ҳаёт кечирасан ва шаҳид ҳолда ўласан”, дедилар ва шундай ҳам бўлди.

Бир киши муртад бўлиб, мушрикларга қўшилиб кетди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га унинг ўлгани ҳақида хабар етганда: “Ер уни қабул қилмайди”, дедилар. Ҳақиқатда шундай бўлди.

Чап қўли билан овқат еяётган бир кишига: “Ўнг қўлинг билан егин”, дедилар. У киши такаббурлик ила: “Ўнг қўлим билан еёлмайман”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ҳеч ҳам еёлмагин”, дедилар. Шундан сўнг у киши ўнг қўлини оғзига олиб бора олмади.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Фатҳ куни Маккага кирдилар. Ўшанда Каъбанинг ичи ва атрофи бутларга тўла эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўлларидаги таёқ билан бутларга ишора қилиб: “Ҳақ келди, ботил барбод бўлди”, дедилар. Шунда барча бутлар бирин-кетин қулаб тушаверди.

Расули акрам Хандақ жангида бир соъ (2,176 кг) арпа овқати билан барча аскарларни тўйғаздилар. Овқат ўз ҳажмидан анча кўпайиб кетган эди.

Озгина хурмо билан ҳам озиқлантирганлар. Қолган озуқани бир тери устига тўплаб, унга барак тилаб дуо қилганлар. Шундан сўнг уни барча аскарларга тақсимлаб берганларида ҳаммаларига етарли бўлган.

Абу Хурайра (розияллоху анху) кўлида бир неча дона хурмо олиб келиб, Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг олдиларига териб қўйди ва: “Мен учун шуларга барака сўраб, дуо қилинг!” деди. Абу Хурайра (розияллоху анху) айтади: “Ўша хурмодан шунча-шунча васақини Аллоҳ йўлида садақа қилдим, ундан ўзимиз ҳам ер, бошқаларга ҳам берар эдик. Ниҳоят, Ҳазрат Усмон даврига келиб тугади”.

Аҳли суффага бир товоқ сарид (нон билан гўшт аралаштириб пишириладиган махсус таом, арабларнинг шоҳ таоми) олиб келтирдилар. Абу Хурайра деди: “Аҳли суффа еб бўлиб, туриб кетганларида, товоқнинг чеккаларида озгина овқат қолганда мени ҳам чақирармиканлар, деб у зот томон чўзилиб қарай бошладим. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) товоқда қолган озгина овқатни тўпладилар, бир лукма бўлди. Уни бармоқлари устига қўйдилар ва: “Бисмиллоҳ, деб егин”, дедилар. Жоним измида бўлган Зот билан қасамки, ундан тўйгунимча едим”.

Бармоқлари орасидан булоқ бўлиб чиққан сувдан саҳобалар қониб ичдилар, таҳорат ҳам қилдилар. Ўшанда улар бир минг тўрт юз нафар эдилар.

Пайғамбар (соллаллоху алайҳи ва саллам)га ичида суви бор бир коса келтирилди. Косанинг ичига бармоқларини тиқиб: “Келинглар!” дедилар. Барчалари ундан таҳорат қилишди. Ўшанда улар етмиш-саксон киши эди.

Табук ғазотида аскарлар узоқ юриб, бир сув устига келиб қолишди. У сувдан бир киши ҳам қонмас эди. Аскарлар эса жуда ҳам чанқашган

эди. Улар Расули акрамга шикоят қилишди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўқдондан бир камон ўқини олиб у сувнинг устига санчдилар, у ердан сув отилиб чиқа бошлади. Аскарларнинг барчаси тўйгунарлича ичишди, ўшанда улар ўттиз мингта эдилар.

Бир қавм Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га қудуқлари сувининг шўрлигидан шикоят қилдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир неча саҳобалари билан уларнинг қудуқлари тепасига келдилар ва унинг ичига туфладилар. Шундан сўнг ундан чучук сув чиқа бошлади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг олдларига бир аёл тақирбош, кал боласини олиб келди. У зот унинг бошини силаб қўйдилар. Шундан сўнг унинг сочи ўсиб чиқди. У бу дарддан қутулди. Буни Ямома аҳли эшитганида бир аёл Мусайлама Каззобга кал боласини олиб келди. Унинг бошини силаб қўйган эди. Шундан кейин у бутунлай кал бўлиб, бу касаллик унинг наслига ҳам қолди.

Бадр куни Уккошанинг қиличи синиб қолди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг қўлига бир қуриган таёқ бердилар. Шу заҳоти у таёқ унинг қўлида қиличга айланиб қолди. Бу қилич унда доимо қолди.

Хандақ ковлаш пайтида бир харсангтош чиқиб, чўқмор билан синдиришнинг иложи бўлмади. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир урдилар, харсангтош парчаланиб, қумга айланиб қолди.

Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кишининг синган оёғини силаб қўйдилар.

Шундан сўнг у киши кўрмагандек бўлиб, тузалиб қолди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мўъжизаларини санаб келтиришга бир китоб ҳам камлик қилади.

Вафотлари

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этганларида ёшлари қамарий йил ҳисоби бўйича олтмиш учда эди. Ўн тўрт кун бетоб бўлиб ётдилар. Хижрий ўн биринчи йил, ўн иккинчи Рабиъул аввал душанба куни, чошгоҳ пайтида вафот қилдилар. Сешанбадан чоршанбага ўтар кечаси дафн этилдилар. Ўлимлари яқинлашганида олдиларига қўйилган косадаги сувга қўлларини тикиб юзларини силар эдилар ва: “Ё Аллоҳ, менга ўлим машаққатларига сабр қилишимда ёрдам бер”, дер эдилар. Жон таслим қилганларидан сўнг устиларига йўл-йўл чопон ёпиб қўйилди. Саҳобалар даҳшатга тушдилар. Ҳазрат Умар Расулуллоҳнинг вафотларига ишонмади. Ҳазрат Усмоннинг тили айланмай қолди. Ҳазрат Али ўтириб қолди. Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ ва Аббосдан кўра бардошлироқ одам бўлмади (Улардан Аллоҳ рози бўлсин).

Саҳобалар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни ювиш тўғрисида бошқа маййитлардек кийимлари ечиладими ёки кийимлари устидан ювиш керакми, деб маслаҳат қилдилар. Аллоҳ таоло уларни бир зум ухлатиб қўйди. Уйқуларида бир киши “Кийимлари устидан ювинглар”, деди. Улар унинг кимлигини билмадилар. Улар уйғониб, кийим устидан ювдилар.

У зотни ҳазрат Али, амакилари Аббос, Аббоснинг ўғиллари Фазл ва Қусам ҳамда Усома ибн Зайд ва Расулуллоҳнинг озод қилган қулларидан Шукрон ювишди. Ансорлардан Авс ибн Хавло уларнинг олдида ҳозир бўлиб турди. Ҳазрат Али Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак қоринларини силади, ҳеч нарса чиқмади. Ҳазрат Али: “Ё Расулуллоҳ, тириклигингизда ҳам, вафот этганингизда ҳам доимо покдирсиз”, деди.

Пахтадан бўлган учта оппоқ яманий матога қаватма-қават қилиб кафанландилар. Кўйлак ҳам, салла ҳам кийдирилмади, балки тикилмаган мато билан ўралдилар. Жанозаларини саҳобалар алоҳида-алоҳида ўқиб чиқишди, ҳеч ким имомлик қилмади.

Қай тарзда дафн этишда ихтилофлар бўлди: лаҳад қилиб ковладими ёки шаққ (ёрма) қилиб ковладими? Мадинада иккита гўрков бор эди. Улардан Абу Талҳа лаҳад қилиб қазир эди, Абу Убайда шаққ қилиб қазир эди. Уларнинг қайси бирлари олдин кириб келса, шуниси гўр қазишига келишиб олинди. Шунда Абу Талҳа биринчи бўлиб етиб келди ва лаҳад қазиди. Қабр Ойша онамизнинг ҳужраларида қазилди ва шу ерга дафн этилдилар. Кейинчалик Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ёнларига ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ ва ҳазрат Умар (розияллоҳу анҳумо)лар ҳам дафн этилдилар.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Пайгамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида содир бўлган муҳим ҳодисалар (тарихий тартибига кўра)

Умрларининг биринчи йили

Бу йил Ҳалимаи Саъдия Маккага келиб, у зотни эмизиш учун Бани Саъд қабиласига олиб кетди.

Иккинчи йил

Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) таваллуд топди.

Учинчи йил

“Шаққи садр” (кўкраklarининг ёрилиши) воқеаси содир бўлди.

Тўртинчи, бешинчи йилларда содир бўлган ҳам дейилади.

Бешинчи йил

Эмизгувчи она Ҳалимаи Саъдия у зотни туққан оналарига олиб бориб берди.

Олтинчи йил

Оналари Омина Зухрия Мадинадаги Бани Адий ибн Нажжор уруғидан бўлган тоғаларини кўриб келиш учун у зотни олиб йўлга чиқди ва қайтишда Абво деган жойда вафот этди.

Саккизинчи йил

Боболари Абдулмутталиб вафот этди. Амакилари Абу Толиб у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни ўз қарамоғига олди.

Тўққизинчи йил

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) амакилари Абу Толиб билан бирга Шом ўлкасига тижорат учун сафарга чиқдилар.

Ўн учинчи йил

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) таваллуд топди.

Ўн тўртинчи йил

Кинона ва Қайс қабилалари ўртасида қиргинбарот уруш бўлди. Унда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам қатнашдилар. Бу уруш ҳаром қилинган ой (Зулҳижжа)да бўлгани учун “Ҳарбул Фижор” (фисқу фужур уруши, ғайриқонуний уруш) деб аталди.

Кетидан “Ҳилфул фузул” (Фазллар ё фазилатлар ёки фазилатли кишилар иттифоқи) бўлди. Бундай номланишига сабаб Журҳум қабиласидан бир гуруҳ келди. Уларнинг ҳаммасининг исми Фазл эди. Қурайш қабиласининг бешта уруғи Дорун надва – Абдуллоҳ ибн Жудъоннинг уйида золимни зулмдан қайтаришга келишиб олдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мен Ибн Жудъоннинг уйида ҳозир бўлган келишувни қизил туяларга ҳам алишмасдим. Агар унга яна чақирилсам, борардим”, деганлар.

Йигирма бешинчи йил

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Хадича онамизнинг тижорат карвонларига бош бўлиб, Шом ўлкасига сафарга чиқдилар. Сафардан қайтиб келганларидан икки ой ўтгач, Хадича онамизга уйландилар.

Ўттизинчи йил

Али ибн Абу Толиб (розияллоху анху) таваллуд топди.

Ўттиз тўртинчи йил

Муовия ибн Абу Суфён ва Муоз ибн Жабал (розияллоху анхум)лар туғилдилар.

Ўттиз бешинчи йил

Қурайшликлар Каъбани қайта қурдилар. Улар Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам)ни Қора тошни ўз ўрнига ким қўйишини ҳал қилиш учун ҳакам қилишди. У зот бу ишни розилик ва адолат билан амалга оширдилар. Эгниларидаги ридоларини ерга тўшадилар ва Қора тошни ўзлари унинг устига олиб қўйдилар, сўнгра уларнинг улуғларини ридонинг атрофидан биргаликда кўтаришни таклиф қилдилар. Барчалари биргалашиб Қора тошни жойига олиб боришди. Сўнгра Расули акрам (соллаллоху алайҳи ва саллам) муборак қўллари билан Қора тошни ўз ўрнига ўрнаштириб қўйдилар. Натижада, Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) ҳақларидаги ҳабарлар тарқалиб кетди. Айниқса, у кишининг баракалари ва омонатдорликлари машҳур бўлиб кетди. Фотимаи Захро (розияллоху анҳо) ҳам шу йили туғилди.

Ўттиз саккизинчи йил

Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам)да ирҳосотлар –пайғамбарликнинг илк аломатлари юз бера бошлади. Ёруғлик ва нурни кўрар, қандайдир бир овозни эшитар эдилар, лекин бирон кишини кўрмасдилар. Ҳиро ғорида танҳо ўтиришни хуш кўрар эдилар.

Қирқинчи йил

Фаришта Жаброил Амин (алайҳиссалом) у зотга Улуғ Аллоҳнинг рисолатини олиб келди. Пайғамбарликнинг бошланиши душанба куни бўлди.

Нубувват (пайғамбарлик)нинг биринчи йили

Хадича онамиз, Ҳазрат Али, Зайд ибн Ҳориса ва Абу Бакр Сиддиқ ва бошқалар исломга кирдилар.

Нубувватнинг учинчи йили

Аллоҳ таолонинг “**Бас, Сиз ўзингизга буюрилган ишни** (яъни ҳақ динга даъватни) **ошкора қилинг ва мушриклардан** (ҳозирча) **юз ўгинг!**” (*Ҳижр, 94*) оятига кўра Исломга даъват ошкора қилина бошлади.

Нубувватнинг бешинчи йили

Ойша (розияллоҳу анҳо) туғилдилар. Шу йили Ҳабашистонга биринчи ҳижрат бўлди. Ҳабашистонга ўн бир эркак ва тўрт нафар аёл чиқди. Улар ичида Усмон ибн Аффон ва унинг хотини Руқайя бинти Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Умму Салама (кейинчалик у уммул мўъминин бўлган) бор эди. Уларга бир ривоятга кўра, Усмон ибн Мазъун бошлиқ эди. Сўнгра Жаъфар ибн Абу Толиб ва бошқа мусулмонлар ҳам уларга эргашиб, аёллар ва болалардан ташқари ададлари саксон икки кишига етган эди. Нажоший уларга кўп иззат-икром кўрсатди. Сўнгра уларнинг баъзилари Маккага қайтишди. Қолганлари Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага ҳижрат

қилгунларича қолишди, сўнгра Мадинага ҳижрат қилишди.

Аммор ибн Ёсирнинг онаси Сумайя ўлдирилди. У исломдаги аввалги шаҳид бўлди.

Нубувватнинг олтинчи йили

Ҳамза ибн Абдулмутталиб (розияллоху анху) мусулмон бўлди. У Қурайшнинг энг бақувват йигитларидан эди. Бу Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам)га куч берди, Қурайшнинг азиятлари бироз камайди.

Ҳамзадан уч кундан кейин Набий (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг: “Ё Аллоҳ, исломни Абу Жаҳл ибн Ҳишом ёки Умар ибн Хаттоб билан қўлагин”, деган дуолари билан Умар ибн Хаттоб (розияллоху анху) исломга кирди.

Ибн Масъуд (розияллоху анху) айтади: “Умар (розияллоху анху) мусулмон бўлмагунча Каъба олдида намоз ўқий олмас эдик”.

Нубувватнинг еттинчи йили

Қурайш мушриклари йиғилиб, Бани Ҳошим ва Бани Мутталиб уруғлари билан савдо-сотик, ниқоҳ ва бошқа алоқаларни узишга келишдилар. Бу тўғрида бир саҳифа ёзиб, уни Каъба ичига осиб қўйишди. Бу содир бўлганда Бани Ҳошим ва Бани Мутталиб уруғлари Абу Толиб дарасига жойлашишди. Мусулмонлар қийинчилик ва очарчиликка дучор бўлишди. Бу қамал уч йил давом этди. Кейин Қурайш улуғларидан беш нафари йиғилиб, саҳифани бекор қилишди.

Шу йилда Буъос жанги бўлди. У Авс қабила-сининг қўрғонининг исми эди. Ана ўша жойда

Хазраж қабиласи билан Авс қабиласи ўртасида катта уруш бўлди.

Нубувватнинг саккизинчи йили

Рум сураси нозил бўлди. Унинг нозил бўлиши сабаби Форс билан Рум ўртасида жанг бўлгани эди. Мушриклар Форснинг енгишини хоҳлашар эди, чунки улар ҳам мажусий эдилар. Мусулмонлар эса Рум ғалаба қилишини хоҳлар эдилар. Чунки улар аҳли китоб эдилар. Биринчи тўқнашувда Рум енгилади. Аввал уларнинг енгилишини, сўнг-ра Румнинг ғолиб бўлажигидан хабар берадиган оятлар нозил бўлди.

Нубувватнинг тўққизинчи йили

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва у кишининг аҳли дарадаги қамалдан чиқишди. Саҳифа бекор қилинди.

Шу йилнинг ўзида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ойни иккига бўлиб, мўъжиза кўрсатдилар. Бу бир самовий мўъжиза эди. Олдинги ўтган пайғамбарларда бундай мўъжиза бўлмаган эди.

Нубувватнинг ўнинчи йили

Абу Толиб вафот этди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундан ғамга ботдилар. Уч кундан сўнг Хадича онамиз (розияллоҳу анҳо) вафот этди. У зотнинг ғам-ҳасратлари зиёда бўлди. Шунинг учун ҳамбу йил “омул ҳузн” (хафачилик йили) деб аталди.

Шу йилда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Савда бинти Замъа (розияллоҳу анҳо)га уйландилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Тоифдаги Сақиф қабиласига бордилар ва уларни исломга даъват этдилар. Аммо улардан жуда қаттиқ озор топдилар, сўкиш, уриш ва масхара каби чидаб бўлмайдиган азиятларга дуч келдилар.

Нубувватнинг ўн биринчи йили

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаж мавсумларида Маккага келган турли қабилаларга Мино, Арафот ва катта бозорларда ўзларини танитишга ва улардан ҳимоя ишташга ғайрат қилдилар.

Ансорларнинг исломга кириши бошланди. Минонинг Ақаба деган ерида Хазраж қабиласидан олти нафар киши билан учрашдилар. Улар исломга кирдилар.

Расули акрамнинг олдиларига Насибин деган жойдан жинлар келиб, имон келтирдилар. Аллоҳ таоло уларни ушбу оятда зикр қилган: “(Эй Мухаммад,) эсланг, ҳузурингизга бир гуруҳ жинларни Қуръон тингласинлар, деб юборган эдик. Бас, қачонки, улар ҳозир бўлишгач, (бир-бирларига): “**Жим бўлингиз!**” дедилар. Бас, қачонки, (тиловат) тугатилгач, улар ўз қавмлари олдига огоҳлантирувчи бўлган ҳолларида қайтиб кетдилар (Аҳқоф, 29).

Нубувватнинг ўн иккинчи йили

Исро ва Меърож ҳодисаси содир бўлди. Бунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мас-

жиди Ҳаромдан Масжидул Ақсога, у ердан юксак осмонларга, сўнг фақатгина Аллоҳ таолога маълум бўлган мақомларга кўтарилдилар. Мана шу ўринда Ҳақ субҳонаҳу ва таоло Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ва у кишининг умматларига беш вақт намозни фарз қилди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ўша кечада кўрганларини барча саҳобалар тасдиқлашди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ансорлардан ўн икки киши билан учрашдилар. Биринчи Ақаба байъати бўлди.

Нубувватнинг ўн учинчи йили

Иккинчи Ақаба байъати бўлди. Бунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Авс ва Ҳазраж қабиласидан етмиш учта эркак ва иккита аёл киши билан учрашдилар. Улар байъат қилдилар ва у зот уларга ўн иккита нақиб (раҳбар) тайинладилар.

Ҳижратнинг биринчи йили

Бу нубувватнинг ўн учинчи йили эди. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинаи мунавварага Абу Бакр Сиддиқ, йўлбошловчи Абдуллоҳ ибн Урайқит ва Омир ибн Фухайралар ҳамроҳлигида ҳижрат қилдилар. У зот қамарий ҳисобда элик уч ёшга етган эдилар. Маккадан Мадинага биринчи Рабиъул аввал, душанба куни чиқдилар. Саккизинчи куни Қубо қишлоғига кириб бордилар ва тўрт кун давомида Қубо масжидини қурдилар.

Қубодан Мадинага бориш йўлида жума намозини Бани Солим маҳалласида ўқидилар. Бу биринчи жума намози ва аввалги жума хутбаси эди.

Мадинага Рабиъул аввалнинг ўн иккинчисида жума куни кириб келдилар. Абу Айюб (розияллоҳу анҳу)нинг ҳовлисига тушдилар. Мадинадаги масжидлари ва у ерда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га турар жойлар қурилиши бўлди.

Муҳожирлар билан ансорлар ўртасида ҳақ йўлида, ўзаро ёрдам ва меросхўрлик асосида биродарлик ўрнатилди. Улар ҳар икки томондан қирқ беш кишидан жами тўқсон киши эдилар. Бошқаривоятда юз киши дейилган. Бу биродарлик Бадр ғазотидан сўнг Аллоҳ таолонинг **“Аллоҳнинг Китобида қариндошлар (меросхўрликда) бир-бирларига (қариндош бўлмаган) мўминлардан ва муҳожирлардан кўра ҳақлироқдирлар. Магар сизлар (диний) дўстларингизга (мерос беришлик билан) яхшилик қилишингиз (мумкин). Бу (ҳукмлар) Китобда (Лавҳул маҳфузда) битилгандир”** (Аҳзоб, 6) ояти нозил бўлгунча давом этди. Шундан сўнг биродарлик билан меросхўр бўлиш бекор бўлди.

Шу йили Анас (розияллоҳу анҳу)нинг онаси ўғлини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг хизматларига берди, ўшанда у ўн ёшда эди.

Мадинага келганларидан бир ой кейин муқим кишиларнинг намози тўрт ракат бўлди. Олдин икки ракат эди.

Шу йили азон айтиш бошланди.

Абдуллоҳ ибн Салом исломга кирди.

Икки нақиб – Асъад ибн Зурора ва Баро ибн Маърур вафот этдилар.

Шу йили Қурайш карвонини тўсиш учун муҳожирлардан ўттиз киши билан Ҳамза (розияллоҳу

анху) йўлга чиқарилди. Улар орасида ансорлардан ҳеч ким йўқ эди. Бу исломда биринчи қўшин юборилиши эди. Бу воқеа Рамазон ойида бўлди. Қурайш карвонида Абу Жаҳл бошлиқ уч юз киши бор эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Убайда ибн Ҳорис (розияллоҳу анху) бошчилигида муҳожирлардан 60–80 кишини Батни Робиг деган жойга юбордилар. Улар орасида ансорлардан ҳеч ким йўқ эди. Бу исломда биринчи қўшин юборилиши эди. Шу юришда Саъд ибн Абу Ваққос камондан ўқ отдилар. Бу Исломдаги биринчи ўқ отилиши эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ашуро рўзасини тутдилар ва бошқаларга ҳам буни буюрдилар. Жоҳилиятда яҳудийлар Ашуро рўзасини тутар эдилар. Бу аҳволни кўриб, Пайғамбар (алайҳиссалом) Ашуро рўзасини тутишга буюрдилар.

Шу йилда мушрикларнинг йирик арбобларидан Ос ибн Воил Саҳмий ва Валид ибн Муғйира ўлдилар.

Ҳижратнинг иккинчи йили

Қибла Байтул Ҳаром томонга ўзгартирилди. Бу воқеа Шаъбон ойининг ярмида содир бўлди.

Шу йилда Рамазон ойининг рўзаси фарз қилинди.

Шу йилда фитр закоти, мол-мулк закоти фарз қилинди, Ийд намозлари машру бўлди.

Шу йилда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг илк ғазотлари бошланди. У Ваддон ғазоти бўлиб, сафар ойида содир бўлди. Сўнгра

Рабиъул аввал ойида Бувот ғазоти, сўнгра Жумодул ула ойида Ашийра ғазоти, Жумодул ахира ойида Сафвон ғазоти бўлди. У илк Бадр ғазоти эди.

Шу йилнинг Рамазон ойининг ўн еттинчиси – жума кунида Катта Бадр ғазоти содир бўлди. Бу жанг инсоният маънавий келажагига боғлиқ ва ислом уммати тақдирини ҳал қилувчи жанг бўлди. Шунинг учун Аллоҳ таоло бу жангни “Явмул Фурқон” – ажрим куни деб атади. Аллоҳ таоло бу тўғрида: **“Агар Аллоҳга ва ажрим куни – икки кўшин тўқнашган куни бандамиз (Мухаммад)га нозил қилган нарсамиз (оятлар, фаришталар, ғалаба)га имон келтирган бўлсангиз, билиб қўйингизки, ўлжа қилиб олган нарсаларингизнинг бешдан бири Аллоҳга, Расулга, қариндош(лари), етимлар, мискинлар ва мусофирларга (тегишли)дир. Аллоҳ ҳар нарсага қодирдир”** (Анфол, 41), деган.

Бу жанг шундай бошланган эди: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Суфён ибн Ҳарбнинг Шомдан Қурайшнинг катта карвонини бошлаб келаётганини эшитдилар. Карвонда уларнинг мол-мулклари ва тижорат юклари борлиги ҳам маълум бўлди. Мусулмонлар билан мушриклар ўртасида уруш давом этаётган эди. Улар мусулмонларга қийинчиликлар туғдириш ва уларни Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун исломга қарши курашда ҳеч нарсани аямас эдилар. Молларни ҳам, қўлидан келган куч-қувватини ҳам исломга қарши курашга ва мусулмонларнинг обрўйини тўкишга сафарбар қилар эдилар. Уларнинг қўшинлари Мадина чегаралари ва яйловларигача етиб келар эди.

Карвон бошида исломнинг энг ашаддий душмани Абу Суфён келаётганлигини эшитиб, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларни унга қарши чиқишга чорладилар, лекин бутун мусулмонларни йиғмадилар. Чунки улар қўшинга қарши эмас, балки карвонга рўбарў чиқишаётган эдилар.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг чиқишлари Абу Суфёнга бориб етди ва унга қарши чора кўришга киришди. Маккага бир одам юбориб, Қурайшдан мусулмонлардан ҳимоя қилишлари учун ёрдам жўнатишни сўради. Хабар Маккага етиб, жиддий ҳозирлик кўришди. Шошилишча ёрдамга чиқдилар. Уларнинг катталаридан ҳеч ким қолмади, барчаси йўлга тушди. Атрофларидаги арабларни ҳам тўплашди. Қурайшнинг деярли барча уруғлари уларга қўшилди. Улар қаҳру ғазаб ва ашаддий нафрат билан етиб келишди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уч юз ўн уч киши билан йўлга чиққан эдилар. Уларнинг икки оти ва етмишта туяси бор эди. Бир туяга иккита-учта киши навбат билан мингашиб келди. Аскар билан қўмондонни, ходим билан сардорни фарқлаб бўлмасди. Абу Бакр Сиддиқ, Умар ва бошқа катта саҳобалар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бирга эдилар.

Асосий байроқни Мусъаб ибн Умайрга, муҳожирларнинг байроғини Али ибн Абу Толибга, ансорларнинг байроғини Саъд ибн Муозга топширдилар.

Абу Суфён мусулмонларнинг чиққанини эшитгач, карвонни пастдан, денгиз соҳили билан олиб

кетди. Ўзи ҳам, карвон ҳам қутулиб, карвон соғомон қолганига кўзи етгач, Қурайш киборларига хат ёзиб, уларни изларига қайтишга чақириб: “Сизлар молу мулкларингизни сақлаб қолиш учун чиққансизлар, энди қайтсаларингиз бўлади”, деди. Абу Жаҳл эса қайтишдан бош тортиб, фақат жанг қилишни хоҳлади. Ўшанда қурайшликлар минг кишидан ортиқроқ эди. Уларнинг ичида Қурайшнинг катталари, етакчилари бор эди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Мана Макка сизларга жигарпораларини ташлабди”, дедилар.

Ана ўша кеча Аллоҳ таоло жуда мўл ёмғир берди. Бу эса мушрикларни илгари юришдан тўхта-тиб қўйди. Мусулмонлар учун эса раҳмат бўлди, тупроқни босиб, қумни қаттиқлаштирди, қадамларини собит қилди. Аллоҳ таолонинг ушбу ояти уларнинг қалбларини бирлаштирди: **“Унинг тарафидан хотиржамлик учун сизларни мудроқ бостиргани, устингизга осмондан сув (ёмғир) тушириб, у билан сизларни поклаш, шайтоннинг васвасасини сизлардан даф этиш, дилларингизга (ўзаро) алоқа пайдо қилиш ва у билан қадамларингизни собит (мустаҳкам) қилишни ирода этганини эслангиз!”** (Анфол, 11).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га жангни кузатиб туриш учун баланд тепаликда бир шийпонча тиклашди. Жанг майдонига бориб, қўллари билан ишора қилиб, мана бу жой фалончининг ўлдириладиган жойи, мана бу жой фалончининг ўлдириладиган жойи, мана бу жой фалончини ўлдириладиган жойи, иншоаллоҳ, деб кўрсатиб бердилар. Ўша кишилар айнан у зот кўрсатиб берган жойларда ўлдирилдилар.

Мушриклар кўришиб, томонлар бир-бирини кўрганда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Раббим, бу Қурайш кофирлари ўзларига ўта ишониб, мағрурлик билан, ўзларини мақтаб келдилар. Сенга қарши жанг қилиш ва Расулинг-ни ёлғонга чиқаришини мақсад қилганлар”, деб уларни дуоибад қилдилар.

Икки жамоа ҳам сафланди, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мусулмонлар сафларини тўғрилаб чиқдилар. Сўнгра шийпонга бориб ўтирдилар. Абу Бакр Сиддиқ ҳам бирга кирди. Шундан сўнг улар Аллоҳ таолога тазарру ва ёлвориш билан кўп дуолар қилдилар: “Эй Раббим, мўминларга нусрат берурман, деб Ўзинг ваъда қилган эдинг. Энди шу ваъдага вафо қилмоқни сендан сўрайман. Агар шу кунги урушда кофирлар ғалаба қилиб, мусулмонлар енгилсалар, куфр ривож топгай. Ер устида ҳақ дин бош кўтара олмагай”, деб дуо қилдилар. Икки қўлларини осмонга кўтариб, Аллоҳга илтижо қилганларидан елкаларидаги ридолари ерга тушиб кетарди. Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) у зотга тасалли берар ва меҳрибончилик кўрсатар эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жангчилар олдиларига чиқиб, уларни урушга руҳлантириб, насихат қилдилар. Расули акрам уларга: “Кенглиги осмонлару Ерча бўлган жаннат учун жанг қилинглар!” деб далда бериб турдилар. Жангчилар ўз сафларида Аллоҳ таолони кўп зикр қилиб, бардош билан турдилар. Расули акрам (алайҳиссалом)нинг ўзлари ҳам қаттиқ жанг қилдилар. Душманларга бошқалардан кўра яқин жойда эдилар, куч-қувватлари ҳам зиёда эди. Аллоҳ

таоло фаришталарни ҳам раҳмат ва ғалаба билан ёрдамга туширди. Улар ҳам мушрикларга қарши жанг қилдилар. Аллоҳ таоло бу тўғрида шундай деди: «Раббингиз фаришталарга ваҳий қилиб: **“Мен сизлар билан биргадирман. Бас, имон келтирганларни саботга унданг! Куфрга кетганларнинг дилларига қўрқув солиб қўяжакман. Бўйинлар узра урингиз (қатл этингиз) ва уларнинг ҳар бир бармоғига (ҳар тарафлама) зарба берингиз”, деганини эсланг!**» (Анфол, 12).

Ёш жангчилар шаҳодат ва саодатга етишда ким ўзар қилиб, жангга кириб кетишди.

Жанг мусулмонларнинг ғалабаси билан ниҳоясига етди. Кофирлардан етмиштаси ўлдирилди. Улардан мушрикларнинг катталари – Абу Жаҳл, Утба ибн Рабиъа, унинг укаси Шайба, унинг ўғли Валидлар эди. Мушриклардан етмиш киши асир олинди. Қурайшлик мусулмонлардан олти киши – Убайда ибн Ҳорис, Умайр ибн Абу Ваққос, Зушшимолайн (Икки қўли узун маъносида), Оқил ибн Букайр, Умар ибн Хаттобнинг қули Маҳжаъ, Сафвон ибн Байзо шаҳид бўлдилар. Ансорлардан Саъд ибн Хайсам, Мубашшир ибн Абду Мунзир, Язид ибн Ҳорис, Умайр ибн Ҳаммом, Рофеъ ибн Муалло, Ҳориса ибн Суроқа, Авф ва Муаввизлар (бу икковлари Ҳориснинг ўғиллари эди) шаҳид бўлдилар.

Шу йилда Али ибн Абу Толиб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қизлари Фотимаи Заҳрога уйландилар.

Мана шу йилда Бувот ғазоти, Ушайра ғазоти, Батн Нахлага Абдуллоҳ ибн Жаҳш (розияллоҳу анху) бошчилигида сария, Қарқаратул Кабр ғазо-

ти, Солим ибн Умайр (розияллоҳу анҳу) сарияси, Бани Қайнуқоъ ғазоти ва Савиқ ғазоти амалга оширилди.

Шу йилда Усмон ибн Мазъун (розияллоҳу анҳу) вафот этди. У Мадинаи мунавварада аввал вафот этган муҳожирлардан бўлиб, Бадр урушидан қайтгандан кейин вафот этди. У Бақибул ғарқад қабристонига биринчи дафн этилган киши эди. Пайғамбар (алайҳиссалом) унинг пешонасидан – икки кўзи ўртасидан ўпдилар ва кўз ёшлари шашқатор бўлиб оқди. Ҳазат Усмоннинг ёнига Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўғли Иброҳим ҳам дафн қилинди. “Ўтган солиҳимиз Усмон ибн Мазъунга етиш”, дедилар у зот.

Шу йилда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг Руқайя (розияллоҳу анҳо) исмли қизлари ҳам вафот этди.

Шу йилнинг Шаввол ойида Пайғамбар (алайҳиссалом) Ойша (розиллоҳу анҳо) билан бирга яшай бошладилар.

Шу йилда Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Нўъмон ибн Башир (розияллоҳу анҳумо) таваллуд топдилар. Уларнинг биринчиси муҳожирлардан биринчи туғилган бола, иккинчиси ансорлардан биринчи туғилган бола эдилар.

Ҳижратнинг учинчи йили

Бу йилда Ҳасан ибн Али (розияллоҳу анҳумо) таваллуд топдилар.

Шу йилнинг Рамазон ойида Пайғамбар (алайҳиссалом) Ҳафса (розияллоҳу анҳо) билан турмуш қурдилар. Сўнгра Уммул масокийн деб лақаб ол-

ган Зайнаб бинт Хузайма Омирияга уйландилар. Зайнаб Пайғамбар (алайҳиссалом) билан уч ой яшадилар, сўнгра вафот қилдилар.

Шу йилда Усмон ибн Аффон Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам)нинг қизлари Умми Кулсумга уйландилар.

Мана шу йилда ароқ (хамр) ҳаром қилинди.

Шу йилда Уҳуд ғазоти ҳам содир бўлди. Бу ғазот Шаввол ойининг ўртасида шанба куни бўлди. Пайғамбар (алайҳиссалом) саҳобаларини тартиб-лаб, уларни жангга тайёрладилар. Камон отувчиларга тоғнинг тепасидаги жойларида туришни буюриб дедилар: “Енгилсак ҳам ёки енгсак ҳам ўз жойларингдан қимирламанглар, турган ўринларингни ташлаб кетманглар”.

Жанг бошланишида ғалаба мусулмонлар томонидан бўлди. Тоғ тепасида турганларнинг кўпчилиги буни кўриб мусулмонлар ғолиб келди, уруш тугади, деб ўйлашиб, тоғдан тушиб кетишди. Ваҳоланки, аҳвол бошқача эди. Мушриклар мусулмон камончиларининг орқа томонлари бўш қолганлиги фурсатидан фойдаланиб, Холид ибн Валид бошчилигида қолган камончиларга ташланиб, уларни ўлдирдилар. Сўнгра мусулмонларнинг орқа томонидан келиб, уларга ҳужум қилишди. Мусулмонларнинг сафлари бузилиб кетди. Қурайш мушриклари камончиларни қириб ташлагач, қисиб кела бошладилар. Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам)га яқин келишди ва тош отдилар, ҳаттоки бир тош Расули акрамнинг чеккаларига келиб тегди. Олдинги тишлари синди, паст лаблари ва лунжлари жароҳатланди.

Мушриклар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўлдирилди деб овоза қилишди. Ваҳоланки Пайғамбар (алайҳиссалом) матонат билан жанг қилмоқда эдилар. У зотнинг атрофларида ўн тўрт баҳодир саҳобий ҳам жанг қилиб, у кишини ҳимоя қилиб турган эдилар. Мусулмонлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг тирик эканликларини билиб, атрофларини ўраб олишди ва жанг қизигандан қизиди. Мушриклар чекина бошлашди. Бу жангда мусулмонлардан етмиш киши шаҳид қилинди, уларнинг ичида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг амакилари Ҳамза ҳам бор эдилар.

Шу йилда Ҳамроул Асад ғазоти ҳам содир бўлди. Унинг сабаби – Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Абу Суфён ёнида кўпчилик билан саҳобаларнинг қолганларини бутунлай йўқ қиламиз, деб йўлга чиққанлиги ҳақида хабар келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу душманларни бартараф қилиш учун одамларни чорлаб, йўлга чиқдилар.

Ҳамроул Асад Мадинадан саккиз мил (1 мил -1980 метр) узоқликдаги бир жойнинг номи. У Мадинадан Зул Ҳулайфага борадиган йўлнинг чап томонида. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у ерда душанба, сешанба ва чоршанба кунлари турдилар, душманларни учратмагач, Мадинага қайтиб келдилар.

Шу йилда учинчи Бадр ғазоти бўлди. Бу кичик Бадр ғазоти эди. Бунинг сабаби – Абу Суфён Уҳуд жангидан қайтаётиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Бадрда яна учрашишларини

ваъда қилган эди. Бадрда жоҳилия бозорларидан бири бўлар эди. Абу Суфён ўзининг одамлари билан чиқиб, Асфон деган жойга етди. Сўнгра жанг қилишга юраги дош бермасдан қайтиб кетди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Бадрга етиб келиб, у ерга тушдилар. Мусулмонлар бозорга кириб сотдилар, сотиб олдилар, фойда ҳам қилдилар, бир қанча пул ҳам ишлаб олдилар ва Мадинага соғ-омон қайтиб келишди. Бу эса Аллоҳ таолонинг ушбу сўзининг тасдиғидир: **“Улар (Бадрдан жангсиз) Аллоҳнинг неъматини ва фазли ила бирор ёмонликка учрамай қайтдилар. (Улар) Аллоҳнинг ризосини излаган эдилар. Аллоҳ, албатта, буюк фазл эгасидир”** (Оли Имрон, 174).

Ҳижратнинг тўртинчи йили

Бу йилда “Биъри Маъуна” деган жойга етмиш нафар қоридан иборат баъсат (қўшин) юборилди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларни Омир ибн Молик деган кишининг сўрови билан Нажд тарафга юбордилар. Улар Биъри Маъунага боришганларида Заквон, Раъл ва Усойя қабилалари уларни хиёнаткорона ўлдирдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларни ўттиз кун бомдод намозида дуоибад қилдилар. Ўлдирилган қорилар тўғрисида Аллоҳ таоло бир оят туширган эди, кейинчалик у насх бўлди: “Биз ҳақимизда қавмимизга етказингки, биз Раббимизга учрадик. У биздан рози бўлди, биз ҳам ундан рози бўлдик”.

Омир ибн Фуҳайра ҳам улар орасида шаҳид бўлди. Утўғрисида Омир ибн Туфайл шундай де-

ди: “Батаҳқиқ, мен унинг осмонга кўтарилганини кўрдим, унинг ер билан осмон ўртасида бўлган ҳолатини ҳам кўрдим”.

Шу йилда Осим ибн Собит сарияси ҳам содир бўлди. Улар саҳобаларнинг яхшиларидан ўн киши эдилар. Ражиъ деган жойга етиб бордилар. У Ҳузайл ибн Асфон ва Марри захрон қабилалари суви эди. Маккадан икки марҳала узоқликда жойлашган. Даъват учун борган саҳобаларни Бану Лаҳён қабиласи хиёнат қилиб ўлдирдилар. Осим билан бирга етти киши ҳам ўлдирилди. Улардан бири Ҳубайб ибн Адий уни чормихлашаётганда шундай шеър айтди:

*Мусулмон ўлсам, парво қилмам,
Фарқ этмас, қай ёнга йиқилсам.
Бу Аллоҳнинг измида, У истаса,
Ўлик жасадни-да муборак айлар.*

Шу йилда Бани назир ғазоти бўлди. Бану Назир яҳудийлар қабиласидир. Пайғамбар (алайҳиссалом) Мадинага келганларидан сўнг бир-бирлари билан жанг қилмасликка сулҳ туздилар. Аммо яҳудийлар бу сулҳни буздилар. Яҳудийлар Расули акрам (алайҳиссалом)ни ўлдирмоқчи бўлдилар. Расули акрам (алайҳиссалом) уларни қамал қилдилар. Улар яна сулҳ таклиф қилишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларнинг кўчиб кетишлари шарти билан сулҳ қилдилар. Уларнинг баъзилари Хайбарга, баъзилари эса Шомга кетишди.

Шу йилда Зайнаб бинт Ҳузайма (розияллоҳу анҳо) вафот қилди.

Шу йил Шаввол ойида Расули акрам (алай-хиссалом) Умму Салама Ҳинд бинт Абу Умайя (розияллоҳу анҳо)га уйландилар.

Шу йилдан намозни қаср қилиб ўқиш ҳукми жорий бўлди. Аллоҳ таолонинг **“Ер (юзи) бўйлаб сафар қилганингизда, агар кофирларнинг сизларга фитна (ҳужум) қилишидан қўрқсангиз, намозни қаср (қисқа) қилишингизда сизлар учун гуноҳ йўқдир. Зеро, кофирлар сизларга аниқ душмандир”** (Нисо, 101) ояти билан нозил бўлди.

Шу йилда Пайғамбаримиз (алайхиссалом) Зайд ибн Собитга яҳудийларнинг ёзувини уларга хат ёзиш ва уларнинг хатларини Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ўқиб бериши учунўрганишни буюрдилар.

Шу йилда Али ибн Толибнинг онаси Фотима бинт Асад вафот этди. Уни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дафн этдилар.

Ҳижратнинг бешинчи йили

Шу йил “Давматул Жандал” ғазоти содир бўлди. У билан Дамашқ ўртаси беш кунлик йўл. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Давматул Жандалда бир гуруҳ кишилар у ердан ўтганларга зулм ва талон-торож қилаётганлари ҳамда уларнинг Мадинага келиб, унинг аҳолисига ҳам зулм қилишни ният қилиб турганлари хабари келди. Буни эшитиб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) лашкар билан улар томон чиқдилар. Улар Пайғамбаримиз (алайхиссалом)нинг лашкар билан чиққанларини эшитиб, ҳар тарафга тарқа-

либ кетишди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳам соғ-омон йўлдан қайтиб келдилар.

Шу йилда Зоти Риқоъ (ямоқли) ғазоти бўлди. Бундай номланишга сабаб, аскарларнинг оёқлари кўп пиёда юришдан шилиниб кетган, шундан сўнг улар оёқларига латта ўрашган. Бошқа бир ривоятда улар кийимларига ямоқ солганлар. Бу жой Нажд тарафда Ғатфон қабиласи билан мусулмонлар ўртасида эди. Лекин жанг бўлмади.

Шу йилда Аҳзоб (Хандақ) ғазоти бўлди. Унинг сабаби – Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Бани Назир яхудийларини Мадинадан сургун қилганларида Ҳуяй ибн Ахтаб яширинча Қурайш-ни Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)га қарши урушга даъват этар эди. Қурайш бу чақирувга кўнди. Салмон (розияллоҳу анху) Мадина ташқарисида хандақ ковлашни маслаҳат берди. Расули акрам (алайҳиссалом) бу маслаҳатни маъқулладилар. Хандақ ковлаш пайтида ғайриоддий воқеалар – мўъжизалар содир бўлди. Душман жамоалар мусулмонларни ҳар томондан ўраб, бостириб кела бошладилар. Вазият жуда кескинлашди. Имони заифлар, мунофиқлар иккиланиб қолишди. Бу тўғрида Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди: **“Ўшанда улар сизларнинг юқори томонингиздан ҳам, сизлардан қуйи (томон)дан ҳам (бостириб) келган эдилар. Ўшанда кўзлар тиниб, юраклар бўғизга тиқилиб қолган ва сизлар Аллоҳ ҳақида (турли) гумонлар қила бошлаган эдингиз”** (Аҳзоб, 10).

Кофирлардан бир тўдаси Хандақнинг тор жойидан мусулмонлар томон ўтишга муваффақ бўл-

дилар. Ҳазрат Али бир гуруҳ билан уларни қайтардилар. Аллоҳ таоло душманлар устига шарқдан қаттиқ совуқ шамол юборди. Бу совуқ шамол душманларни тўзитиб, уларнинг шармандаларча енгилишига сабаб бўлди.

Шу йилда Бани Қурайза ғазоти бўлди. Унинг сабаби Бани Қурайза яҳудийларни аҳдни бузиб, аҳдномага хилоф иш қилабошладилар ва мушрикларга қўшилдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) душман жамоалар тарқалиб кетган кечасидан тонг оттириб турдилар. Пешин вақтига келиб қуролларини ечдилар, ювиниб, бошларидан чанглари кетказиб турганларида Жаброил (алайҳиссалом) у зотнинг олдиларига келиб, айтдилар: “Қуролни ечиб қўйдингизми? Аллоҳга қасамки, биз уни қўйганимиз йўқ. Уларга қарши урушга чиқинг!” Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Қаерга?” деб сўрадилар. Жаброил (алайҳиссалом) Бани Қурайза яҳудийлари томон ишора қилдилар. Расул (алайҳиссалом)нинг жарчилари барчани аср намозига Бани Қурайзада тўпланишга чақирди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларни қамал қилдилар. Сўнг Бани Қурайза яҳудийлари Саъд ибн Муоз нима ҳукм қилса, шунга розилиklarини билдиришди. Саъд ибн Муоз касал эди. У уларнинг эркакларини ўлдириш, молларини тақсимлаш ва хотинболаларини асир олишга ҳукм чиқарди. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Саъд, улар тўғрисида Аллоҳнинг ҳукмини айтдинг”, дедилар. Бу ҳукм ижро қилинди.

Шу йилда Саъд ибн Муоз вафот этди. Унинг ўлими туфайли Раҳмоннинг Арши силкинди.

Шу йилда Мурайсиъ ғазоти (Бани Мусталақ ғазоти деб ҳам аталади) бўлди. Унинг сабаби – Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Бани Мусталиқ қабиласининг урушиш учун тайёрланаётган хабари келди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўшин билан улар томон чиқдилар ва улар билан Мурайсиъ деб аталадиган бир қудуқ олдида учрашдилар. Аллоҳ таолонинг инояти билан душманлар яксон бўлдилар.

Мана шу ғазотда “Мунофиқун” сураси нозил бўлди. Бунинг сабаби муҳожирлар билан ансорлар ўртасида фитна чиққани эди. Бу фитнада мунофиқ Абдуллоҳ ибн Убай мусулмонларнинг шаънига номуносиб сўзларни гапирган эди.

Мана шу ғазотда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Жувайрия бинт Ҳорисга иззат-икром кўсатдилар. У душман қўшини қўмондонининг қизи эди. Асирлар ичида у ҳам бор эди. Расули ақрам унга ўзини озод қилишга ёрдам бердилар. Сўнгра унга уйландилар, шундан сўнг у “уммул мўминин” бўлиб қолдилар. Унинг шарофатидан асир тушган аскарлар ҳам озод этилди, уларнинг барчалари исломга кирдилар.

Бу ғазотда ифк (туҳмат-бўхтон) ҳодисаси бўлиб ўтди. Унинг сабаби – Ойша онамиз бўйинларидан тушиб қолган мунчоқларини ахтариб қўшиндан орқада қолдилар ва ўша жойда кутиб турдилар. Карвон ортида юрадиган Сафвон ибн Муъаттал Суламий келиб қолди. Мадинага келишганда мунофиқлар Ҳазрат Ойша онамизнинг шаънларига бўхтон сўзларни тўқидилар. Бўхтончиларнинг бошида Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул турган

эди. Аллоҳ таоло Ҳазрат Ойша онамизни оқлаб: **“Албатта, (бу) бўҳтонни (вужудга) келтирган кимсалар ўзларингиздан бўлмиш бир тўда кимсалардир. Уни (бўҳтонни) сизлар ўзларингиз учун ёмонлик деб ўйламангиз, балки у сизлар учун яхшидир. Улардан (бўҳтончилардан) ҳар бир киши учун ўзи орттирган гуноҳ (жазоси) бордир. Уларнинг орасидаги (гуноҳнинг) каттасини кўтарган кимса (Абдуллоҳ ибн Убай) учун эса улкан жазо (жаҳаннам) бордир”** (*Нур, 11*) оятидан бошлаб ўн оятни нозил қилди.

Шу йилда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Зайнаб бинт Жаҳшга уйландилар.

Шу йилда Ҳижоб ояти нозил бўлди: **“Эй Пайгамбар! Хотинларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг хотинларига айтинг, устларига ёпинчиқларини ташлаб олсинлар! Мана шу уларнинг (ким эканликлари) танилиб, озорланмасликлари учун энг яқин (воситадир). Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир”** (*Аҳзоб, 59*).

Ҳижратнинг олтинчи йили

Бу йилда саҳиҳ ривоятларга биноан (асосан кўпчилик шофиъийлар наздида) ҳаж фарз қилинди. Баъзилар тўққизинчи, баъзилар бешинчи ҳижрий йилда фарз қилинган, дейишган. Ҳаж Аллоҳнинг ушбу ояти билан фарз қилинди: **“Йўлга қодир бўлган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байт-ни ҳаж қилиш (фарзи) бордир”** (*Оли Имрон, 97*).

Шу йилда Рамазонда қурфоқчилик бўлди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёмғир сўраб дуо қилдилар. Одамлар сувдан сероб бўлдилар.

Шу йилда қуёш тутилди, Пайғамбар (алайҳиссалом) Кусуф намозини ўқидилар.

Шу йилда “зиҳор” ҳукми нозил бўлди. Унинг сабаби Авс ибн Сомит хотини Хавла бинт Моликка: “Сен менга онамнинг бадани кабисан”, дегани бўлди. Бу хусусда ушбу оят нозил бўлди: **“Ораларингиздаги ўз хотинларини “зиҳор” қилдиган кимсаларга улар (хотинлари асло) оналари эмасдирлар. Уларнинг (чин) оналари уларни туққан (аёл)лардир. Улар, ҳақиқатан, номақбул ва ёлғон сўз айтурлар. (Лекин) Аллоҳ афв этувчи ва кечирувчидир”** (*Мужодала, 2*).

Шу йилда Ҳудайбия ғазоти ва Ризвон байъати бўлди. Унинг сабаби – Пайғамбар (алайҳиссалом) тушларида Байтул Ҳаромга саҳобалари билан бирга осойишта кирганлари, сочларини олдириганлари ва қисқартирганларини кўрганлари бўлди. Мадинаи мунавварадан Умра нияти билан чиқдилар, лекин Маккага кира олмадилар. Макка яқинидаги Ҳудайбия деган жойга тушдилар.

Мана шу ғазотда Ризвон байъати бўлди. Унинг сабаби – Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳазрати Усмонни Маккага юборган эдилар. У кишининг ўлдирилгани тўғрисида ёлғон миш-миш тарқатилди. Шундан сўнг шу ердаги саҳобалар барчаси Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га содиқ қолишлари, жонларини фидо қилишга тайёр эканлигига байъат қилишди. Ана шулар тўғрисида Аллоҳ таолонинг ушбу ояти нозил бўлди: **“(Эй Муҳаммад!) Дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан – улар дарахт остида Сизга байъат (қасамёд) қилаётган вақтларида – рози бўлди”** (*Фатҳ, 18*).

Шу ғазотда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қурайшликлар билан сулҳ туздилар, бу сулҳ зоҳирида мусулмонлар учун чекиниш бўлса ҳам, лекин ботинида шон-шавкат бор эди. Ана ўша сулҳда шундай келишилган эди: Қурайш томонидан Пайғамбар (алайҳиссалом)га келган ҳар бир киши уларга қайтариб юборилади. Пайғамбар (алайҳиссалом)га эргашганлардан Қурайшга келганлар Пайғамбар (алайҳиссалом)га қайтарилмайди. Ўрталарида уруш ўн йилга тўхтатилади, одамлар омонликда яшайдилар. Мусулмонлар бу йил Маккага кирмайдилар, балки келаси йил келадилар.

Бу ярашишда бир нечта фойдалар бор эди:

- Маккада яшаётган озчилик мусулмонларни ҳимоя қилиш;
- Қурайш кофирларининг мусулмонлар билан аралашиб яшаши, Мадинага келиб Аллоҳнинг каломини эшитиши, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мўъжизаларини кўришлари натижасида уларнинг кўпчилигининг исломни қабул қилишлари;
- Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг мусулмонларга таълим бериш, ҳар томонга даъватчилар ва мактублар юборишга фурсат топишлари. Мусулмонлар Байтуллоҳдан тўсилиб қайтишлари зоҳиран чекиниш, ботинида мусулмонларга катта шон-шараф ва куч-қувват борлигини англашди.

Бу байъатда қатнашганлар улуғ фазилатларга эга бўлишди. Бунга Аллоҳ таолонинг ушбу оятлари далолат қилади:

“Эй Муҳаммад!) Дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан – улар дарахт остида Сизга байъат (қасамёд) қилаётган вақтларида – рози бўлди” (Фатҳ, 18).

“Муҳожирлар ва ансорларнинг дастлабки пешқадамлари ҳамда улар ортидан эзгулик билан борганлардан Аллоҳ рози бўлди, улар ҳам Ундан рози бўлдилар” (Тавба, 100). Уламо-лар: “Улар Ризвон байъатига гувоҳ бўлганлардир”, дейишган.

Мана шу воқеалар бўлиб турганда Абу Жандал ибн Суҳайлнинг қиссаси ҳам юз берди. У шартларга келишилаётган вақтда мусулмонлардан паноҳ сўраб келган эди. Унинг отаси Суҳайл Қурайш кофирларининг сулҳдаги вакили эди. У: “Эй Муҳаммад, сендан биринчи ҳисоблашадиганим шу бўлади. Уни бизга қайтарасан”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келишилган сулҳга биноан Абу Жандални қайтариб бердилар ва Абу Жандалга айтдилар: “Сабр қил, Аллоҳдан савоб умид қил. Биз келишувга хиёнат қилмаймиз. Аллоҳ таоло сени қутқаради”, дедилар.

Шу йилда Маккадан Абу Басир деган киши Мадинага қочиб келди. Қурайш кофирлари келишилган аҳдномага биноан Абу Басирни талаб қилиб бир кишини юборди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Басирни ҳалиги талаб қилиб келган кишига бериб юбордилар. Келган киши уни олиб қайтиб кетди. Лекин Абу Басир йўлда ҳийла ишлатиб, у одамни ўлдирди. Сўнгра Мадинага қайтиб келди ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га: “Эй Аллоҳнинг

Пайғамбари, Аллоҳ таоло Сизнинг аҳдингизни адо қилди. Чунки Сиз қўлингиз билан мени уларга топшириб бердингиз, мен эса динимни, жонимни сақламоқ учун бу ишни қилдим. Кофирлар қўлидан мени Аллоҳ қутқарди”, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Мадинадан бошқа қайси жойни тиласанг бор, сенга рухсат”, дедилар. Абу Басир чиқиб кетиб, Қурайш кофирларининг Шомга борадиган йўллари устидаги соҳилга бориб тушди. Абу Басирнинг бу жойга келган хабарини эшитиб Маккадан қочган-писганлар унга келиб қўшилдилар. Худайбия сулҳида кофирларга қайтариб берилган Абу Жандал Макка зиндонидан қочиб чиқди. Унинг атрофига мусулмонлардан етмишга яқин киши тўпландилар. Мадинага келишдан қўрқиб, тўғри Абу Басирнинг олдига келишди. Улар Қурайшга тегишли карвонларни талаб, қўлга тушганларни ўлдирдилар. Бу ишдан Макка йўли тўсилиб, Қурайш халқи қийинчиликка учради. Булардан қутулишга ҳеч илож топишолмай, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га хат ёзиб, уларни ўзларига чақириб олишини сўрадилар. Абу Басир ва унинг атрофидагилар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига – Мадинага келишди. Бу мўъжиза ва каромат эди.

Шу йилда Зи-қирд ғазоти бўлди. Бу жой Мадинага яқин жойда, Шом йўлида. Бу ғазотни Ғоба ғазоти деб айтилади. Унинг сабаби – ўша жойда Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг бўғоз туялари боқилар эди. Уяйна ибн Ҳисн Физорий қирқ отлиқ киши билан келиб, туябоқар Зар ибн Абу Зарни

ўлдирдилар, Абу Зарнинг хотинини асир олиб кетдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) босмачилар устига бостириб бордилар ва уларни тор-мор қилиб қайтдилар.

Шу йилда Уккоша ва Муҳаммад ибн Маслама сарияси (Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қатнашмаган ҳарбий юриш), Абу Убайда ғуруҳининг юриши, Бани Салим қабиласига Зайд ибн Ҳориса сарияси яна унинг Ҳисмага ва Водил Қурога сарияси, Абдурраҳмон ибн Авфнинг сарияси, Ҳазрати Алининг Бани Саъд ибн Бакр қабиласига сарияси, Ибн Атикнинг Абу Рофеъни қатл қилиш учун борган сарияси, Амр ибн Умайя Замрий ва Салама ибн Асламнинг Абу Суфёнга қарши сарияси воқе бўлди.

Шу йилда Ақил ибн Абу Толиб исломни қабул қилди. У исломга киргач, унга Расули ақрам (алайҳиссалом): “Мен сени икки нарса учун яхши кўраман, биринчиси – менга қариндошлигинг учун, иккинчиси – амаким Абу Толиб сенга меҳр қўйганлиги учун”, дедилар (*Имом Аҳмад ва Имом Бухорий “Адабул муфрад”да ривоят қилган*).

Шу йилда Пайғамбар (алайҳиссалом) бир қанча ўлкалар подшоларига хат жўнатдилар. Дихя Калбийни Қайсарга, Абдуллоҳ ибн Ҳузофа Саҳмийни Кисрога, Амр ибн Умайя Замрийни Нажощийга, Ҳотиб ибн Абу Балтаъани Муқавқисга, Шужоъ ибн Ваҳбни Ҳорис ибн Абу Шумур Ғассонийга, Салит ибн Амр Омирийни Ҳавза ибн Али Ҳанафийга юбордилар.

Шу йилда Аранийин жанги бўлди. Бу воқеа шундай бўлди: Урайна ва Акал қабиласидан бир

жамоа кишилар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига Мадинаи мунавварага келдилар ва исломга кирдилар. Мадина об-ҳавоси бизга ёқмади, бетоб бўлдик, деб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га шикоят қилдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларни Мадинадан чиқиб, сути эҳсон қилиб бериладиган туялар боқиладиган жойга боришга буюрдилар. Улар у ерда туя сутини ва пешобини ичиб тузалдилар. Сўнгра диндан қайтиб, туя боқувчиларни ўлдирдилар, туяларни ўғирлаб қочишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) улар ортидан одам жўнатдилар, улар тутулиб, қилмишларига яраша жазоландилар.

Ҳижратнинг еттинчи йили

Бу йилда Хайбар ғазоти бўлди. Хайбар – кўрғонлар ва қишлоқлардан ташкил топган бир жой. Мадинадан шимолда 120 мил узоқликда жойлашган. Ҳудайбияда Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Хайбар фатҳини ваъда қилган эди. Баъзи олимлар Аллоҳ таоло ушбу ояти билан шунга ишора қилган дейдилар: “...**ва уларни (Хайбар жангидаги) яқин ғалаба билан мукофотлади**” (Фатҳ, 18).

Пайғамбар (алайҳиссалом) Хайбар яҳудийлари устига жанг қилиб бордилар ва Аллоҳ таоло у зотга нусрат берди. Бу жангда байроқдор Ҳазрати Али эдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳазрати Али тўғрисида: “Эртага байроқни шундай кишига бераманки, унинг қўли билан ғалаба – фатҳ

бўлади, уни Аллоҳ таоло ва унинг Расули севади”, дедилар. Ҳазрати Али қўрғон дарвозаларига мардона ташланиб, бир эшигини тортиб олиб ташладилар. Хайбар жангида фатҳ қилинган қўрғонлар: Ноъим қўрғони, Қамус қўрғони, Саъб ибн Муоз қўрғони ва бошқалар эди.

Бу ғазотда ўн бешта саҳобий шаҳид бўлдилар.

Мана шу ғазотда Сафийя бинт Ҳужай асир олинди. У Ҳазрати Ҳорун (алайҳиссалом) наслидан эди. Сафийя имон келтириб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг никоҳларига киришни ихтиёр қилди.

Бу ғазотда Зироъ воқеаси ҳам бўлди. Бу воқеа шундай бўлган эди. Яҳудийлардан Зайнаб бинт Ҳорис деган аёл Пайғамбар (алайҳиссалом)га қўй гўштини пишириб, яширин заҳарлаб берди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Бу қўзининг билаги менга заҳарланганини хабар берди”, дедилар. Сўнгра у аёлни чиқариб сўраганларида, у заҳарлаганини эътироф этди. Бу аёл (Зайнаб бинт Ҳорис) қўзи гўштидан бир лўқма еб заҳарланиб ўлган Бишр ибн Бароннинг қасосига биноан ўлдирилди. Хайбардан қайтаётганларида кечаси юрдилар, шунда у зотни мудроқ босди, бироз дам олиш учун тўхтаб, ётиб ухладилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам, саҳобалардан ҳам қуёш чиққунча ухлаб қолишди, бирон киши уйғонмади. Бомдод намози ҳам ўтиб кетди.

Шу йили Ҳабашистонга кетган муҳожирлар Жаъфар ибн Абу Толиб бошчилигида қайтиб келдилар, уларнинг келиши Хайбар фатҳи кунига тўғри келди.

Жаъфар ибн Абу Толиб келганларида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Хайбарнинг фатҳ бўлганига кўпроқ суюнайми ёки Жаъфарнинг саломат келганигами?” деб шодликларини билдирдилар. Жаъфар ибн Абу Толиб келишлари билан Абу Мусо Ашъарий ҳам ўз қабиладошлари билан келиб қолишди.

Шу йили Хайбарда Абу Ҳурайра (розияллоҳу анҳу) мусулмон бўлди.

Шу йилда қазо умраси бўлди. У Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг иккинчи умралари эди. Зулҳижжа ойида чиққан эдилар. Аллоҳ таолонинг ушбу “...(топталган) **ҳурматлар** (жазоси) – **қасосдир**” (*Бақара, 194*) ояти нозил бўлгани учун бу умрани қасос умраси ҳам дейилади.

Бу умра Аллоҳ таолонинг ушбу оятида зикр қилинган: **“Қасамки, Аллоҳ ўз пайғамбарига (у кўрган) тушни рўёбга чиқарди, албатта, сизлар (эй мўминлар!) Масжидул-ҳаромга эмин-эркин, бошларингизни (сочларингизни) қирдирган ва (ёки) қисқартирган ҳолларингизда кўрқмасдан кирурсиз, иншоаллоҳ”** (*Фатҳ, 27*).

Шу йилда Водил Қуро ғазоти бўлди. У яҳудийларнинг бир қишлоғи номидир. Мадина билан Хайбарнинг ўртасида жойлашган. Ҳозир у Уло деб аталади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Хайбардан қайтишда шу қишлоқдан ўтдилар ва унинг аҳолисини исломга даъват этдилар. Улар қабул қилмадилар, балки қаршилик кўрсатдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга қарши жанг қилдилар ва у жойни фатҳ этдилар.

Аллоҳ таоло унинг аҳлидан кўп мол-мулкни ўлжа қилиб берди.

Шу йилда Пайғамбар (алайҳиссалом) масжидда хутба ўқиш учун минбар ясаиб олдилар. Олдин бир ёғоч устунга суяниб хутба ўқир эдилар. Бу ёғочни қўйиб, биринчи бор минбарга чиқиб хутба ўқиётганларида ёғоч устун шундай бир мунгли, худди онасини йўқотган одамдек ҳазин товуш билан ингради. Унинг инграшини масжиддагиларнинг ҳаммаси эшитди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) минбардан тушиб, устунни бағрига босдилар, устун инграшдан тўхтади.

Ҳижратнинг саккизинчи йили

Бу йилда Абдул Қайс элчилари келди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга: “Хуш келдингиз, хижолат бўлмасдан, афсусланмасдан хуш келингиз, эй жамоа!” деб кутиб олдилар. Уларнинг раҳбари Ашаж деган кишига Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сенда Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари яхши кўрадиган икки хислат бор: мулойимлик ва шошилмаслик”, дедилар.

Абдул Қайс қабиласининг мақтовга муносиб сифатларидан бири шуки, араблар диндан қайтганида ер юзида учта масжиддан бошқасида сажда қилинмади: Макка масжиди, Мадина масжиди ва Абдулқайс масжиди.

Шу йилда Амр ибн Ос, Холид ибн Валид ва Усмон ибн Талҳалар мусулмон бўлдилар.

Шу йили Пайғамбаримиз (алайҳиссалом)нинг катта қизлари Зайнаб вафот этди. У (Зайнаб (розияллоҳу анҳо)) Абул Ос ибн Рабиънинг хотини эди. Уни ювишгандан кейин, кафанланишидан

олдин баракаларидан етиши учун Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) унинг устига ўзларининг кийимларини ёпдилар.

Шу йили Мадинада қимматчилик бўлди. Одамлар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га: “Ё Расулulloҳ, нархларни енгиллаштириб беринг!” деб сўрашди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳ таоло Ал-Мусаъбир (нарх-наво-ни белгиловчи), Ал-Қобиз (ризқларни камайтирувчи) Ал-Босит (ризқларни кенг берувчи), Ар-Раззоқ (Бутун жониворлар ризқини берувчидир)”, дедилар.

Шу йили Мўъта ғазоти бўлди, бу ғазотга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари қатнашмадилар. Бу ғазотнинг сабаби – Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Лаҳаб ўғилларининг бири Ҳорис ибн Умайр Аздийни хат билан Шомга, Бусро подшоҳига юбордилар. Йўлда Ҳассон қабиласининг раиси Шурахбил ибн Амр унинг йўлига чиқиб, уни қўлга олди ва ўлдирди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ундан бошқа бирорта ҳам элчилари ўлдирилмаган эди. Бу хабарни эшитиб Расули акрам (алайҳиссалом) қаттиқ қайғурдилар ва ғазабландилар. Қўшин жўнатиб, Зайд ибн Ҳорисага байроқ бериб, лашкарбоши этиб тайинладилар. Сўнгра шундай дедилар: “Агар Зайд шаҳид бўлса, ўрнига Жаъфар ибн Абу Толиб амир бўлсин, агар у ҳам шаҳид бўлса, ўрнига Абдуллоҳ ибн Равоҳа бўлсин”.

Зайд бир қўлида байроқ билан жангга кириб ҳалок бўлди, сўнгра байроқни Жаъфар ўз қўлига олиб жангни давом эттирди, душманлар унинг ўнг қўлини чоптилар, шунда у байроқни чап қў-

лига олди, чап қўлини ҳам чопиб ташладилар, сўнгра у байроқни қўлтиғига қисиб кўтариб олди. Шундан сўнг шаҳид бўлгунича жанг қилди. Аллоҳ таоло Жаъфар ибн Абу Толибга шу кесилган қўллари эвазига жаннатда икки қанот ато қилди. Сўнгра байроқни Абдуллоҳ ибн Равоҳа олди, у ҳам жангни давом эттирди ва шаҳид бўлди. Шундан сўнг аскарлар ўзаро келишиб, Холид ибн Валидни лашкарбоши этиб тайинладилар. Холид ибн Валид байроқни қўлга олиб, уруш режаларини пухта ўйлаб, тадбир-чоралар кўриб душманларни тормор қилди ва мусулмонлар зафарга эришди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га жангдаги аҳвол хабари келмасдан туриб, Зайд, Жаъфар ва Ибн Равоҳанинг ўлими ҳақида одамларга хабар бериб айтдилар: “Байроқни Зайд олиб жанг қилди ва шаҳид бўлди, сўнгра Жаъфар олди ва шаҳид бўлди, сўнгра Ибн Равоҳа олди, у ҳам шаҳид бўлди”, деб икки кўзларидан шашқатор ёшлар оқди. Сўнгра айтдилар: “Байроқни Аллоҳ таолонинг қиличи, яъни Холид олди. Аллоҳ унга нусрат берди. Душман устидан ғалаба қозонди”.

Мусулмонлар Мадинага қайтганларида Пайғамбар (алайҳиссалом) ўзлари истиқболларига чиқиб кутиб олдилар ва улар тўғрисида шундай дедилар: “Сизлар чекинувчи эмас, Худо хоҳласа, шиддат билан бостириб борувчидирсизлар”.

Шу йилда Фатҳ ғазоти (Макка фатҳи) бўлди. Зафарлар фатҳи ва Буюк ғалаба ҳам деб аталади. Бу буюк ғалаба билан Аллоҳ таоло динини, Расулини, лашкарларини ва ҳарамини азиз ва қудратли қилди. Бу буюк ғалаба Рамазон ойида бўлди. Бу ғазотнинг сабаби – Қурайш кофирлари

Бани Бакр қабиласи билан иттифоқдош эди. Бани Бакрнинг Хузоъа қабиласига адовати бор эди. Хузоъа қабиласи эса Пайғамбар (алайҳиссалом) билан иттифоқдош эди. Бани Бакр Худайбиядаги аҳдномани бузиб, босқинчилик қилиб Хузоъа қабиласидан йигирма кишини ўлдирди. Хузоъа қабиласи бошлиқлари ёрдам сўраб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг олдиларига келишди. Улар билан келишилган аҳдномага асосан Расул (алайҳиссалом) Хузоъага ёрдам бериш учун Қурайш бошлиқларига одам юбориб, Бани Бакр қабиласининг хун тўлаши ёки Бани Бакр билан тузган аҳдномаларидан воз кечишлари ёки уруш қилишдан бирини ихтиёр қилишни талаб қилдилар. Улар эса уруш қилишни ихтиёр этишди. Шундан сўнг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Рамазоннинг ўнинчи куни рўзадор ҳолларида йўлга тушдилар. Лашкарлар билан йўл юриб, Асфон деган жойга тушиб, оғизларини очдилар. Одамларга ҳам оғиз очишни буюрдилар. Яна юриб, Марри Заҳрон деган жойга тушдилар ва у ерда Абу Суфённи учратишди. Абу Суфён билан бўлган суҳбатдан кейин Абу Суфён исломни қабул қилди. Аҳли Макка учун омонлик олди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ким Масжиди Ҳаромга кирса, у омонликдадир, ким Абу Суфённинг ҳовлисига кирса, у омонликдадир деб эълон қилдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзлари бир қанча кишилар билан Маккага кирдилар, ҳеч ким қаршилик кўрсатмади. Холид ибн Валидга Макканинг паст томонидан кириб боришни буюрдилар. У ерда баъзилар қаршилик

кўрсатишди, бироз жанг бўлди, лекин душманлар мағлуб бўлишди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Каъбани тавоф қилдилар, унинг ичига кирдилар, уни санамлар ва бутлардан тозаладилар. Аҳли Маккани афв қилдилар. Уларга ўзларининг машхур ушбу сўзларини айтдилар: “Боринглар, сизлар барчангиз озодсизлар”. Одамлар эса тўда-тўда бўлиб Аллоҳнинг дини – Ислом динига кирдилар.

Шу йилда Ҳунайн ғазоти бўлди. Унинг сабаби – Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Макка фатҳидан бўшаганларидан кейин, Ҳавозин қабиласининг жанг қилмоқчи экани хабари келди. Фатҳда қатнашган жангчилар ва исломга кирган кишилар бирга қўшилиб, Ҳавозин устига юришга азм қилдилар. Жангнинг аввалида мусулмонлар чекинишга мажбур бўлдилар, сўнгра Аллоҳ таоло уларга нусрат ато этиб, душманларни чекинтирди.

Аллоҳ таоло бу ҳақда ушбу оятида маълум қилди: **“Ўшанда (сон жиҳатдан) кўплигингиз сизларни мағрурлантирган эди, аммо (бу) сизлардан бирор нарсани даф қила олмади”** (*Тавба, 25*).

Сўнгра душманлар Автос водийсига қочишди ва у ерда Автос ғазоти бўлди, унда мусулмонлар ғалаба қилдилар. Сўнгра душманларнинг баъзи гуруҳлари Тоифга қочдилар. У ерда кўрғонларга кириб бекиниб олишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) улар устига бостириб бориб, уларни қамал қилдилар. Кейин уларни кўрғон ичида қолдириб, Жийрона деган жойга келиб тушдилар ва у ерда ўн беш кунча турдилар. Шу ерда ўлжаларни тақсимладилар ва умра учун эҳ-

ром боғладилар. Сўнгра Маккага умра қилиш ни-
ятида кириб бордилар.

Умра маросимларини бажаргач, Мадинаи му-
навварага қайтиб бордилар. Ҳавазин элчилари
уларга моллари ва асир тушганларини қайтариб
беришни сўраб келишди. Уларга моллари ёки
асирларидан бирини ихтиёр қилишни айтиш-
ганда, улар (ҳавозинликлар) асирларини ихтиёр
этишди. Асирлар ичида Расулуллоҳ (соллаллоҳу
алайҳи ва саллам) билан сут эмишган Шаймо
бинт Ҳорис сингиллари ҳам бор эди. Расулуллоҳ
(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни танигач, унга ўз
ёпинғичларини тўшаб ўтирғиздилар ва унга кўп
мол-дунё ҳамда қул ва чўри ҳадя қилдилар.

Шу ғазотда Пайғамбар (алайҳиссалом) Ҳавозин
элчиларига: “Молик ибн Авфга бориб айтишлар,
агар олдимга келиб, исломга кирса, унга асир туш-
ган аҳли аёлини, молу мулкани ва юзта туя ҳам
ҳадя қилиб бераман”, дедилар. Бу хабарни унга
етказишгандан сўнг у Тоифдан чиқиб, Пайғамбар
(алайҳиссалом)нинг олдиларига Жиъронага (ёки
Маккага) келиб у зотни топди. Расулуллоҳ унга
ваъда қилинган нарсаларни бердилар. У исломга
кирди ва мусулмонларнинг яхшиларидан бўлди.
Молик ибн Авф исломга киргач: “Одамларнинг
ичида Муҳаммадга ўхшаш бирон кишини кўрма-
дим ҳам, эшитмадим ҳам”, деган маънода шеър
ўқиди.

Шу ғазотда тушган ўлжаларни Расулуллоҳ (сол-
лаллоҳу алайҳи ва саллам) қилган тақсимотлари-
га ансорлардан баъзилари эътироз билдиришди.
Чунки уларга ҳеч нарса берилмаган эди. Шунда
Расулуллоҳ уларга: “Одамлар қўй, эчки ва туялар

олиб кетаётганларида сизлар мени олиб кетишларингга рози эмасмисизлар? Ҳижрат бўлмаганида эди, мен ҳам ансорлардан бир киши бўлиб қолардим. Мен сизларга келмасдан илгари адашган эдинглар, йўл топдинглар. Тарқоқ эдинглар, бирлашдинглар. Камбағал эдинглар, бой бўлдинглар. Бу ишларга Аллоҳ мени сабабчи қилди. Аллоҳдан бу яхшиликларни кўра туриб, нега бундай сўз чиқардинглар, қани гапиринглар-чи?” дедилар.

Ансорлар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан бу сўзларни эшитгач, барчалари рози бўлишди.

Шу йилда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккада пайтларида Холид ибн Валидни Кинонанинг Бани Жузайма қабиласига юбордилар. Бу баъсат (юбориш) Фатҳдан кейин Шаввол ойида бўлган эди. Холид ибн Валид уларни исломга киришга чақирди. Лекин улар “Асламна”, яъни “мусулмон бўлдик” дея олмай, балки “Сабаъно, сабаъно”, яъни “ўз динимиздан чиқдик”, деб мусулмон бўлганларини билдирмоқчи бўлишди. Холид ибн Валид уларга қарши жанг қилди, баъзиларини ўлдирди, баъзиларини асир олди. Шунинг учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ё Аллоҳ, Холиднинг қилган ишидан узоқман”, деб икки марта қайтардилар. Сўнгра Холид ибн Валиднинг хатосини тўғрилаш учун Ҳазрат Али ибн Абу Толибни юбордилар. Ҳазрат Али билан бирга уларга хун тўлаш учун мол-мулк бериб юбордилар. Ҳазрат Али хундан ортиб қолган молу мулкни ҳам уларга қолдириб: “Буларни ҳам сизларга эҳтиётан қолдираман, Расулуллоҳ

(соллаллоҳу алайҳи ва саллам) учун у зот билмаган, сизлар билмаган ҳақлар адоси учун”, деди.

Ҳазрати Али қайтиб келиб, бўлган воқеани Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га батафсил айтиб берганларида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Тўғри қилибсан, яхши қилибсан”, дедилар.

Шу йилда Фатҳдан кейин Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Холид ибн Валидни Макка билан Тоиф ўртасидаги Нахла деган жойдаги Уззо номли бутни бузиб келишга юбордилар. Холид у бутни бузиб ташлади. Амр ибн Осни Суво деган жойга Ҳузайл номли бутни бузиб келиш учун юбордилар. Амр ибн Ос уни бузиб келди.

Шу йилда Каъб ибн Зуҳайр Фатҳдан кейин исломга кириб, тавба қилиб Мадинага келди. Ўзининг машҳур қасидаси билан шафоат тилади:

*Суод кетди, қалбим бугун ишқдан касал,
Изига қул, товони тўланмаган, кишанбанд.*

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга чопонларини ечиб бериб, уни афв этдилар.

Шу йилда Зотус салосил ғазоти бўлди. Бундай номланишига сабаб – мушриклар қочиб кетишдан қўрқиб, бир-бирларини боғлаб қўйишлари бўлди. Ривоят қилинадики, бу ғазот “Сув” деб ҳам аталди, чунки уларнинг ғазоти сувга яқин жойда бўлган эди. Унинг сабаби – Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Амр ибн Осни бир жамоа саҳобаларга амир қилиб, араб қабилаларини исломга даъват қилиш учун юборган эдилар. Душманлар бунга эътироз билдириб, уларга тўсқинлик қилдилар. Амр Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)-

дан мадад сўраб одам юборди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абу Бакр Сиддиқ, Ҳазрат Умар ва Абу Убайда ибн Жарроҳ бошчилигида одам юбордилар. Шундан сўнг мусулмонлар Аллоҳ таолонинг фазли-карами билан ғалаба қозондилар.

Шу йилда Итоб ибн Усайд ҳаж қилди. Пайғамбаримиз уни Фатҳдан кейин Маккага амир қилиб тайинлаган эдилар. Ислом даврида у Маккага биринчи тайинланган амир эди. Пайғамбар (алайҳиссалом) унга Макка аҳлига яхши муомалада бўлишини васият қилиб, шундай деган эдилар: “Дарҳақиқат, Макка аҳли Аллоҳнинг аҳлидир ва Унинг хос бандаларидир”.

Шу йилда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўғиллари Иброҳим туғилди.

Шу йилда Аббос ибн Абдулмутталиб, Абу Суфён ибн Ҳорис, Абдуллоҳ ибн Умайя Махзумий ва Абу Бакр Сиддиқнинг отаси Абу Қуҳофа (розияллоҳу анҳум) исломга кирдилар.

Ҳижратнинг тўққизинчи йили

Бу йил “элчилар йили” деб аталади, чунки бу йилда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг олдиларига жуда кўп элчилар келишди.

Улардан Нажрон элчилари Исонинг пайғамбарлиги тўғрисида баҳслашиш учун келишган эди, ушбу оят нозил бўлди: **“Албатта, Исонинг (отасиз туғилиш) мисоли, Аллоҳ наздида бамисоли Одам (алайҳиссалом) кабидирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга “Бўл!” деди, бас, (у) бўлди”** (Оли Имрон, 59).

Яна улар тўғрисида «**Сизга келган шу** (ҳаққоний) **билимдан кейин** (насронийлардан) **ким Сиз билан** (Исо) **тўғрисида баҳслашмоқчи бўлса**, (ундай кимсаларга) **айтинг: “Келинлар, ўғилларимиз билан ўғилларингизни, хотинларимиз билан хотинларингизни, ўзимиз билан ўзларингизни чорлаб, сўнгра** (биргаликда) **илтижо қиламиз, бас, ёлғончиларга Аллоҳ лаънати тилаймиз”**» (Оли Имрон, 61) ояти ҳам нозил бўлди.

Келган элчилардан яна бири Бани Тамим қабиласи элчилари эди. Улар тўғрисида ушбу оят нозил бўлди: “(Эй Муҳаммад!) **Албатта**, (хотинларингиз яшайдиган) **хужралар ортидан туриб, Сизни чақирадиган кимсаларнинг кўплари** (андиша ва фаросат билан) **ақл ишлатмайдилар”** (Хужурот, 4).

Бани Ҳанифа қабиласидан ҳам элчилар келди. Уларнинг ичида Мусайлама ибн Ҳабиб Ҳанафий деган бир каззоб киши бор эди. У ўша пайт ҳали пайғамбарликни даъво қилмаган эди. Ямомага қайтганларидан сўнг Мусайлама муртад бўлиб, ўзини пайғамбар деб эълон қилди, ёлғон тўқиди.

Яна Той қабиласи элчилари келди. Уларнинг ичида Зайдул хайл деган киши бор эди. У шу қабилянинг саййиди эди. Шоирлик, хатиблик, жавонмардлик каби фазилатлари билан араблар ичида донг таратган эди. Барчалари исломга кирдилар ва мусулмончиликлари чиройли бўлди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Сен Зайдул хайрсан. Кўришмасимдан илгари мақталган кўп одамларни кўрдим, мақталганларидек чиқмади-

лар. Аммо Зайдул хайл эрса мақталгандан ортиқроқ чиқди”, дедилар.

Бани Зубайд элчилари ҳам келди. Уларга Амр ибн Маъд Якриб бошлиқ бўлиб келди. Исломга кириб юртларига қайтишди. Лекин Амр Пайғамбар (алайҳиссалом) вафот этганларидан кейин диндан қайтиб муртад бўлди.

Шу йилда Яман элчилари келди. Улар тўғрисида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Яман аҳли келди, уларнинг диллари мулойим, қалблари нозик. Имон яманийдир, ҳикмат яманийдир”, дедилар.

Яна Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га Кинда, Сақиф ва бошқа қабилаларнинг элчилари келишди.

Шу йилда Табук ғазоти бўлди. Ўша йили ундан бошқа ғазот бўлмади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан кейин вафот этгунларича ғазот қилмадилар. Аллоҳ таоло бу ғазотни “машаққат соати” деб атади, чунки бу ғазот қаттиқ қурғоқчилик, жазирама иссиқ, озиқ-овқат ва уловлар тақчиллиги вақтида бўлган эди.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) араблар билан жанг қилишдан бўшаганларидан кейин Румга қарши юриш қилишга тайёргарлик кўришга буйруқ бердилар. Бойларни камбағалларга ёрдам кўрсатишга ундадилар.

Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) минг динор, тўққиз юз элликта туя юк ва элликта от олиб келиб қўшди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ё Аллоҳ, мен Усмондан рози бўлдим, Сен ҳам ундан

рози бўлгайсан”, деб дуо қилдилар. Яна айтдилар: “Бугундан сўнг Усмонга қилган иши зарар қилмайди”.

Сўнгра Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жангга жиддий киришиб, чодирларини Саниятул Вадоъга тикдилар. У кишининг атрофларига мусулмонлар тўпланди. Уларнинг адади етмиш минг эди. Бир ривоятда ўттиз минг дейилган. Абдуллоҳ ибн Убай ва унга эргашганлар кўрқоқлик ва мунофиқлик қилиб келишмади. Улар тўғрисида Бароат сураси нозил бўлди. Ибн Аббос (розияллоҳу анҳу) бу сурани Фодиха (яъни Шарманда қилувчи) деб номлаган. Сурада “улардан шундай-шундайлар бор” деб айтилаверди. Ҳатто одамлар “мунофиқлардан ҳеч қолмадиёв”, деб ўйлаб қолишди. Яна бошқалар бу жангдан мунофиқликлари сабабли эмас, балки соясалқиндан жазирама чўлга чиққиси келмай, қолишди. Уларни Аллоҳ таоло кечирди. Яна бошқаларни эса Аллоҳ таоло узрли эканларини билдирган эди: **“Заифлар, беморлар ва (жанг учун) харж қилишга нарса топа олмайдиганларга – Аллоҳ ва Расулига содиқ турган бўлсалар – қийинчилик (мажбурлик) йўқ”** (Тавба, 91).

Улар ҳақида Пайғамбар (алайҳиссалом) Табукда пайтларида айтдилар: “Мадинада шундай жамоалар борки, улар биз қаерда бўлсак, ўша ерда бирга бўлдилар, ҳозир эса улар узр сабабли ушланиб қолдилар”. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг Мадинада чиқишлари пайшанба кунида бўлди. Пайшанба куни чиқишни яхши кўрадилар. Ана ўша чиқишлари Ражаб ойдан

беш кун ўтганда бўлди. Мадинадаги юмушларни бошқариб туриш учун ўринларига Али ибн Абу Толибни қолдириб кетдилар. Мунофиқлар эса буни таъна қилишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳазрати Алига ўз ўрниларига уни қолдираётганликларини айтгандилар, Ҳазрати Али “Мени аёллар ва болалар орасида қолдирасизми?” деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга: “Эй Али, Ҳорун (алайҳиссалом) Мусо пайғамбарга қандай бўлса, сен ҳам менга шундай бўлишга рози эмасмисан? Мусо (алайҳиссалом) Худога муножот қилмоқ учун Тур тоғига кетганда, акаси Ҳорун (алайҳиссалом)ни ўз ўрнига халифа қилиб қўйиб кетган эди. Мен ҳам сени Мадинада қолганлар устига ўз ўрнимдан халифа қўйдим. Ваҳоланки мендан кейин пайғамбар йўқ”, дедилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўз йўлларида юриб бориб, Самуд қавми диёрининг тошлари олдидан ўтдилар ва: “Ўз жонларига зулм қилганларнинг яшаш жойларига кирманглар, токи уларга етган мусибатлар сизларга етмасин, сўнгра пушаймон бўласизлар”, дедилар. Сўнгра Расули акрам бошларини ёпиб, тез юрдилар. Табукга етиб бориб, у ерда ўн неча кун турдилар, сўнгра Мадинага қайтдилар, жанг бўлмади.

Табук ғазоти сафарида Зул Бижодайн исмли киши вафот этди. Ибн Масъуд айтади: «Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг унинг қабри ичига тушиб, Ҳазрати Абу Баир ва Ҳазрати Умарга: “Биродарларингни менга узатинглар” деганларини, сўнгра “Ё Аллоҳ, мен ундан розиман, Сен

ҳам ундан рози бўлгин”, деб дуо қилганларини эшитдим». Шунда Ибн Масъуд: “Шоядки, шу қабрда ётган мен бўлсам эди”, деган экан.

Шу йили баъзи кишилар Кубо масжидига ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га зарар етказиш мақсадида бир масжид бино қилдилар. Расули акрам (алайҳиссалом) Табукдан қайтаётганларида улар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг олдиларига чиқиб, уларнинг масжидига киришини сўрадилар. Шунда Аллоҳ таоло Пайғамбаримизга ушбу оятини нозил қилиб огоҳлантирди: **“Яна шундайлар ҳам борки, улар (мўминларга) зарар етказиш, куфр, мўминлар орасига тафриқа солиш ва олдин Аллоҳ ва (Унинг) Расулига қарши урушган (бир) кишига кўз тутиш учун масжид қуриб олдилар”** (Тавба, 107).

Шундан сўнг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалардан баъзиларини чақириб уларга: “Аҳли золим бўлган бу масжидга боринглар, уни бузиб ташланглар ва ёқиб юборинглар”, деб буйруқ бердилар.

Шу йили Табук ғазотига бормаган уч киши қиссаси воқе бўлди. Улар Каъб ибн Молик, Ҳиллол ибн Умайя ва Мурора ибн Рабиъ эдилар. Улар ҳақида ушбу оят нозил бўлди: **“Яна (жангга чиқмай) қолган уч кишининг ҳам (тавбаларини қабул этди). Уларга Ер (шунча) кенглиги билан торлик қилган, диллари танг бўлган ва Аллоҳ (ғазабидан) фақат Ўзига қочиш билан паноҳ топилишини билишгандан сўнгра улар тавба қилувчилардан бўлишлари учун Аллоҳ тав-**

баларини қабул этди. Албатта, Аллоҳ Таввоб (тавбаларни қабул этувчи) ва Раҳим (раҳмли)-дир” (Тавба, 118).

Шу йили Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хотинларидан узоқлашдилар. Бу ҳақида Аллоҳ таоло “Тахйир” оятини нозил қилди: «**Эй Пайғамбар! Хотинларингизга айтинг: “Агар сизлар дунё ҳаётини ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлсангиз, у ҳолда келингиз, мен сизларни (ўша нарсалар билан) баҳраманд қилай ва яхшилаб кузатай (талоқ қилай)! Борди-ю, Аллоҳни, Унинг Пайғамбарини ва охира-рат диёрини истайдиган бўлсангиз, у ҳолда Аллоҳ сизларнинг орангиздаги чиройли амал қилувчилар учун улкан мукофот (жаннат)ни тайёрлаб қўйгандир”» (Аҳзоб, 28–29).**

Аллоҳ таоло Таҳрим оятини ҳам нозил қилди: **“Эй Пайғамбар! Нега хотинларингизнинг розилигини истаб, Аллоҳ Сиз учун ҳалол қилган нарсани (асални) ҳаром қилиб олурсиз! Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир” (Таҳрим, 1).**

Уламолар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларига ҳаром қилган нарса тўғрисида ихтилоф қилганлар. “Саҳиҳайн”да бу нарса асал дейилган.

Шу йилда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Бани Ажлон қабиласидан икки кишига лиъон айттирдилар. Шу билан лиъон (лаънатлашиш) шариатда собит бўлди. Лиъон – шаънга ноҳақ тухмат қилган кишининг қилган тухматини бўйнига қўйиш учун айтиладиган лаънат сўзидир. Яъни: “Агар у ёлғончилардан бўлса, Аллоҳнинг лаънати унга бўлсин”, демоқдир.

Бу қисса ҳақида лиён ояти нозил бўлди. Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг ҳаётлик пайтларида Ҳилол ибн Умайя ва Уваймир Ажлонийлардан бошқанинг лаънат айтишлари бўлмаган.

Шу йилда ғомидия ва Моиз ибн Молик қиссаси воқе бўлди. Ғомидиялик бир аёл ҳамда Моиз зино қилганини эътироф этиб келдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларга ҳад уришни буюрдилар. Улар ҳар икковлари: “Эй Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), мен зино қилдим, мени покланг”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ғомидия аёл тўғрисида: “У аёл шундай тавба қилдики, агар у тавбани Мадинанинг етмиш кишисига тақсимланса, барчасига етар эди. Аллоҳ учун ўз нафсини поклаган бу тавбадан афзалини кўрмадим”, дедилар.

Шу йилда Пайғамбар (алайҳиссалом)нинг қизлари Умму Кулсум вафот этдилар. Умму Кулсум Ҳазрат Усмоннинг иккинчи хотини эдилар.

Шу йилда Нажоший вафот этди. Унинг исми Асҳама (арабча “атия” – совға, ҳадя маъносида) эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобаларга: “Бугун Ҳабашистоннинг энг солиҳ кишиси вафот этди”, дедилар.

Шу йилда мунофиқларнинг раиси Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ўлди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга жаноза ўқидилар. Бу ҳақда ушбу оят нозил бўлди: **“Улардан ўлган бирор кишига зинҳор жаноза намозини ўқиманг ва қабри устида ҳам турманг!”** (Тавба, 84).

Шу йилда Урва ибн Масъуд Сақафий ўлдирилди. У исломга даъват этиб турган вақтида қавми уни

ўлдирди. У арабларнинг уддабурон кишиларидан ҳисобланар эди.

Шу йилда Суҳайл ибн Байзо Фихрий вафот этди, унга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жаноза намози ўқидилар.

Шу йилда Форс подшоси ўлдирилди. Унинг ўрнига қизи Бўронни подшоҳ этиб тайинладилар. Улар тўғрисида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) “Ишларига аёл кишини бошлиқ қилган қавм ҳеч ҳам нажот топмайди”, дедилар.

Шу йилда Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) одамлар билан ҳаж қилдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) у кишини ҳожилар устига амир қилиб тайинладилар. Сўнгра Али ибн Абу Толибни “Азбо” деган туяларига миндириб, шартномаларни бекор қилиш ва Бароат сурасининг аввалини ўқиб бериш учун орқаларидан юбордилар. Наҳр куни бу йилдан кейин мушриклар ҳаж қилмасин, Каъбани ёланғоч ҳолда тавоф қилинмасин, деб овоза қилинди.

Уламолар айтдилар: “Ҳазрати Алини Абу Бакрдан кейин юборишларининг сабаби – арабларда шартномаларни тузиш ва бекор қилиш фақат қабила бошлиқлари ёки қабила бошлиғининг яқин қариндошлари амалга ошириши мумкин эди”.

Шу боисдан, уларнинг ичида бўладиган ҳар хил хилофли гапларни бекорга чиқариш учун Ҳазрати Алини юборган эдилар.

Ҳижратнинг ўнинчи йили

Бу йилда Ямандаги Бажила қабиласининг саййиди Жарир ибн Абдуллоҳ Бажалий исломга кир-

ди. “Саҳиҳайн”да келтириладики, Жарир айтди: “Исломга кирганимдан буён Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени киришимни ман этмадилар ва қачон кўрсалар, табассум қилар эдилар”. Ҳазрат Умар уни ҳаддан ташқари хушрўй, чиройлилиги учун бу халқнинг Юсуфи дер эдилар. Исломга кечроқ кирган бўлса ҳам, Исломнинг ғалаба қилишига жуда кўп ҳисса қўшди.

Шу йилда Расули акрам Жарир ибн Абдуллоҳни “Зул Халаса” номли санам (бут)ни бузиб ташлаш учун юбордилар. У Хасъам қабиласининг бути бўлиб, уни зиёрат қилишар, тавоф қилишар ва унинг олдида жонлиқ сўйиб, уни Каъбага ўхшатар эдилар. Шунинг учун уни “Яманий Каъба” деб аташар эди. Жарир у ерга бориб, уни бузиб, ёқиб ташлади.

Шу йилда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яна Жарирни Яманга юбордилар, у ерга Яман подшоларидан Зу Кулоъ ва Зу Амрларга учрашди ва уларни исломга даъват этди.

Шу йилда Пайғамбар (алайҳиссалом) олдиларига Нажрондан Ҳорис ибн Каъб қабиласининг элчилари келишди. Уларни Халид ибн Валид олиб келди.

Шу йилда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди: **“Эй имон келтирганлар! Бирортангизга ўлим келганда, васият пайтида ўрталарингиздаги гувоҳлик: ўзларингиздан (мусулмонлардан) иккита одил киши (бўлсин!) Ер юзи бўйлаб сифарда бўлганингизда, сизларга ўлим мусибати етса, бошқа (ажнабий)лардан иккитаси (гувоҳ бўлсин!) Уларни намоздан кейин ушлаб**

турасиз ва шубҳалансангиз, улар Аллоҳ (номи) билан қасамёд қиладиларки, “агар қариндош бўлса ҳам уни (қасамни) озгина баҳога алмаштирмаймиз ва Аллоҳнинг бу гувоҳлигини яширмаймиз” (Моида, 106).

Шу йилда Фарва ибн Амр Жузомий Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га ўзининг исломга кирганлигини билдириш учун элчи юборди. У зотга бир от ва хачирни ҳадыя қилиб юборди. Фирва Румнинг арабларга яқин ерлари ҳокими эди. У Маъон деган жойда турар эди. Румликлар унинг исломга кирганини эшитиб, ушлаб келдилар ва ҳибсга олдилар. Сўнгра бошини кесиб ташладилар. Уни ўлдириш учун олиб келганларида у шу шеърни айтди:

Мусулмонлардан келганларга айтингларки,
Мен Раббим учун суягу мақомимни топширдим.

Шу йилда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ҳазрати Алини Яманга, Халид ибн Валиддан кейин юбордилар. Ҳазрати Али ҳаж ойида Ямандан эҳромга кирган ҳолида қайтиб келди. Пайғамбар (алайҳиссалом) Маккада “Ҳажжатулвадоъ”да эдилар. Ҳазрати Алига айтдилар: “Нима деб эҳромга кирдинг?” Ҳазрати Али: “Пайғамбар (алайҳиссалом) айтган нарса билан эҳромга кирдим”, деб жавоб берди.

Шу йилда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Яманга яна Муоз ибн Жабал ва Абу Мусони юбордилар.

Шу йилда Асвад Ансий деган киши пайдо бўлди. У сеҳргар эди. Пайғамбарлик ва Яман подшоли-

гини даъво қилди. Унинг иши жиддий, хавfli тус олди. Шунинг учун Муоз ибн Жабал Абу Мусо билан бирга унинг ёмонлигидан сақланиш учун Ҳазрамавтга ўтдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Яманда имонга келган кишиларга одам юбориб, Асвад Ансийни ўлдиришни буюрдилар. Охири, Яман подшоларидан бири Файрузнинг ёрдами билан Асвад Ансий ўлдирилди. Асваднинг чиқиши ва ўлдирилишининг ораси қарийб тўрт ой бўлди. Буни Ибн Имод “Шазарот”ида айтиб ўтган.

Шу йилда саййидимиз Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ўғиллари Иброҳим бир ярим ёшида вафот этди. У Мория Қибтиядан эди.

Шу йилда Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳузурларига Адий ибн Ҳотим келди ва исломга кирди. Унинг исломга кириши кўп фойдали бўлди.

Шу йилда Мусайлама каззоб пайғамбарлик даъво қилди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га хат ёзиб, пайғамбарликда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га шериклиги борлигини даъво қилди. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унинг ёлғончилигини айтиб, “каззоб” деб атадилар.

Шу йилда “Ҳажжатул вадоъ” (хайрлашув ҳажи) бўлди. У “Ҳажжатул балоғ”, “Ҳажжатул ислом” деб ҳам аталади. “Ҳажжатул вадоъ”деб аталишига сабаб шуки, чунки бу ҳажда Расули акрам (алайҳиссалом) одамлар билан хайрлашдилар, бундан кейин ҳаж қилмадилар. “Ҳажжатул Ислом” деб аталишининг сабаби – Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан бошқа ҳажларни Мадинадан бориб қилмаган эдилар. Лекин Маккада

турганларида бир неча марта ҳаж қилган эдилар. “Ҳажжатул балоғ” деб аталишининг боиси шуки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларга ҳажда қилинадиган шариат амалларини сўз билан ҳам, амалда ҳам кўрсатиб, етказдилар. Ислом қоидалари ва асосларидан бирон нарса қолдирмасдан, барчасини баён қилиб бердилар. Расули акрам (алайҳиссалом) ҳажнинг шаръий амалларини баён қилиб, шарҳлаб берганларидан кейин Аллоҳ азза ва жалла Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Арафада турганларида ушбу оятни нозил қилди: **“Ана, энди бугун, динингизни камолига етказдим, неъматимни тамомила бердим ва сизлар учун исломнинг дин бўлишига рози бўлдим”** (Моида, 3).

Дарҳақиқат, Пайғамбар (алайҳиссалом) Мадинадан Зулқаъда ойидан беш кун қолганида шанба куни чиқдилар. Шу ҳажда Расулуллоҳнинг ҳамма хотинлари у зот билан бирга эдилар. Зул Ҳулайфадан таҳлил айтдилар. Қандай эҳром кийганлари ҳақида ихтилоф бор. Тўғрироғи, у зот “қирон” (ҳаж ва умрани бир эҳромда қилиш) нияти билан эҳромга кирганлар. Зул Ҳулайфага етганларида Асмо бинт Умайс Муҳаммад ибн Абу Бакрни туғди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) унга ғусл қилиш, белини бирон нарса билан маҳкам боғлашни ва эҳромга киришни амр қилдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Маккага юқори томонидан Зул Ҳижжа ойидан тўрт кун ўтганда якшанба куни кундузи кирдилар. У ерда саккизинчи кунгача турдилар. Маккада тур-

ган муддатларида, мусулмонлар билан турган жойларида намозни қаср қилиб ўқир эдилар. Якшанба, душанба, сешанба ва чоршанба кунлари намозларни қаср ўқиб, пайшанба куни мусулмонлар билан бирга Минога йўл олдилар. У ерда жума оқшоми тунадилар. Жума куни эса Арафотда турдилар ва у ерда буюк хутбаларини ўқидилар. Унда ислом қоидаларини барқарор қилиб, ширк ва жоҳилият қоидаларини батамом бекор қилдилар. Барча динларда дахлсиз саналган жон, мол-мулк ва шаъннинг дахлсизлигини таъкидладилар.

Жоҳилият ишларини, жоҳилиятдан қолган суд-хўрликни бекор қилдилар. Аёлларга яхши муомалада бўлишни васият қилдилар. Уларнинг ҳақлари ва мажбуриятларини тушунтириб бердилар. Уларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб, яхшилик қилишнинг вожиб эканини тушунтирдилар. Аллоҳ таолонинг Китобини маҳкам тутишни васият қилдилар. Сўнгра саҳобалардан юқорида айтилган нарсалар ҳақида нима дейишларини ва нимага гувоҳлик беришларини сўрадилар. Улар ҳаммалари: “Дарҳақиқат, сиз бизга омонатни етказдингиз, вазифангизни тўлиқ адо этдингиз, бизга насихат қилдингиз, дедилар. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўрсаткич бармоқларини осмонга кўтариб, Аллоҳни гувоҳ қиламан, деб уч маротаба айтдилар. Уларга шу ерда ҳозир бўлганлар, ҳозир бўлмаганларга етказишини буюрдилар.

Ҳижратнинг ўн биринчи йили

Бу йилда Нахаъ қабиласидан элчилар келди. У Ямандаги қабилалардан бири эди. Улар Арабистонда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га келган элчиларнинг энг сўнггиси эди. Улар исломга кирган ҳолларида икки юз киши бўлиб келдилар. Уларнинг ичида Зурора ибн Амр деган киши бор эди. У келмасидан олдин ажойиб тушлар кўрган эди. Кўрган тушларини Расули акрам (алайҳиссалом)га сўзлаб берди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларнинг таъбирини айтиб бердилар. Таъбири у зот айтганларидек бўлиб чиқди.

Шу йилда Шомга аскар тайёрлашга буйруқ бердилар. Унга Усома ибн Зайдни амир қилиб тайинладилар. Лекин Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотлари сабабли қўшин Шомга бормади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан сўнг Ҳазрати Абу Бакр хилофат ишларини интизомга келтиришлари биланок Усомага лашкарни тайёрлаб бериш билан шуғулландилар. Шунда баъзи кишилар Ҳазрати Абу Бакрга мурожаат қилиб, одамларнинг ишлари изига тушиб олишини кутиш ёки лашкарга Усомадан бошқа кишини тайинлашни айтдилар. Шунда Ҳазрати Абу Бакр: “Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) юбормоқчи бўлган лашкарни қайтармайман ҳам, у зот тайинлаган волийни бўшатмайман ҳам”, дедилар.

Шу йилда Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этдилар. Юқорида бунинг тафсилоти ўтди.

Шу йилнинг бошларида Сижох бинт Ҳорис Тамимиянинг иши зоҳир бўлди.

У пайғамбарлик даъво қилди, унинг қавмидан кўпчилик унга эргашди. У ўз тарафдорлари билан Мадинага, мусулмонлар халифаси Абу Бакр Сиддиққа қарши жанг қилмоқчи бўлди. Лекин унинг қавми аввал Мусайлама Каззобга қарши жанг қилишни тавсия қилишди. Шундан сўнг аскарлари билан Ямамага йўл олди. Бунинг хабари Мусайламага етиб, у Сижохга қарши ҳийла ишлатди.

Сижохга совға-саломлар юбориб кўнглини олди, охири унга уйланди. Мусайлама ўлдирилгач, тоғалари олдига қайтиб келди ва исломга кирди. Исломда кўп яхши ишлар қилди. Басрага келди ва шу ерда ўлди. Басранинг амири Самура ибн Жундаб унинг жанозасини ўқиди.

Шу йилда ҳазрати Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) Холид ибн Валидни Тулайҳа ибн Ҳувайлид Асадийга қарши жангга юборди. У Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан олдин пайғамбарлик даъво қиларди. Унга Жаброил (алайҳиссалом) ваҳий олиб келишини даъво қилар эди. У илгари исломни қабул қилган, сўнгра Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётлик пайтларида диндан қайтиб, муртад бўлган эди. Ўлганидан сўнг унинг доврўғи таралиб, Ғатфон ва Ҳавазон қабилалари унга эргашди. Уяйна ибн Ҳисн Фазорий ҳам диндан қайтди ва Тулайҳага эргашди. Уларга қарши Холид ибн Валид катта жанг олиб борди. Улар енгилишди ва Уяйна ибн Ҳисн асир тушди. Уни Мадинага Ҳазрат Абу Бакр-

нинг олдиларига юборишди. У ерда исломга кирди. Ҳазрат Абу Бакр унинг имон келтирганини қабул қилди. Аммо Тулайҳа одамлари чекингандан сўнг Шомга қочиб кетди. Ҳазрат Абу Бакр вафот этгунча Шомда қолди. Сўнгра исломга кирди. Исломда яхши амаллар қилди. Ҳазрат Умар ибн Хаттобга учрашиб, у кишига байъат қилди. Форс урушида жонбозликлар кўрсатди. У ўн саккизинчи ҳижрий йилда Наҳованд деган жойда шаҳид бўлди.

Шу йили Холид ибн Валид Мусайлама Каззобга қарши Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқнинг буйруғи билан жанг қилди. Бу жангда мусулмонлар жуда қаттиқ қийинчилик ва машаққатга дуч келишди. Сўнгра уларга Аллоҳ ўз нусратини туширди ва ғолиб қилди. Ваҳший Мусайлама Каззобни ўлдирди. Ваҳший шунда айтган эди: “Жоҳилиятда одамларнинг энг яхшисини, исломда эса одамларнинг энг ёмонини ўлдирдим”.

Мусулмонлар ғолиб бўлдилар. Аллоҳ таоло уларга улуғлик, фахр, иззат ва барқарорликни насиб этди. Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин!

Ушбу китобнинг таълифи Рабиъул аввал ойи 1397 ҳижрийда ниҳоясига етди. Ёлғиз ёрдам бергувчи Аллоҳ таолодир. Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳил ʻалийийил ʻазийим ва соллаллоҳу ʻала ҳабибиҳи саййидина Муҳаммадин ва ʻала олиҳи ва соҳбиҳи.

МУНДАРИЖА

Биринчи қисм

Сўзбоши	6
Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва саллам)- нинг насаби шарифлари.....	8
Таваллудлари	8
Душанба куну муборак кундир	8
Энагалари ва сут эмизган оналари	9
Ўспиринликлари	11
Пайғамбарликдан олдинги ҳаётлари	12
Исми шарифлари.....	13
1) Пайғамбарлик аломатларидан	14
2) Пайғамбарлик муҳри	14
3) Рост туши	15
Тана тузилишлари	15
Жисмоний қувватлари	16
Амакилари ва аммалари	18
Амакиларининг ўғил ва қизлари	18
Фарзандлари	20
Хотинлари – Уммаҳотул мўминин	22
Сут эмишган биродарлари.....	25
Тоғалари.....	26
Ҳижратлари	26
Озод қилган қуллари	31
Ходимлари ва баъзи вазифадор асҳоблари	33
Тан қўриқчилари	36
Подшоҳларга жўнатган элчилари	36
Котиблари.....	39
Номаларидан парчалар	39
У зотнинг амирлари	42

<i>Муаззинлари.....</i>	<i>43</i>
<i>Шоир ва хатиблари</i>	<i>43</i>
<i>Ғазавотлари ва сариялари</i>	<i>44</i>
<i>Ҳаж ва умралари.....</i>	<i>45</i>
<i>Уловлари.....</i>	<i>45</i>
<i>Қуроллари.....</i>	<i>47</i>
<i>Кийимлари ва уй жиҳозлари.....</i>	<i>49</i>
<i>Мўъжизаларидан лавҳалар.....</i>	<i>50</i>
<i>Вафотлари.....</i>	<i>56</i>

Иккинчи қисм

<i>Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида содир бўлган муҳим ҳодисалар (тарихий тартибига кўра)</i>	<i>59</i>
--	-----------

Қайдар учун

Диний-маърифий нашр

Муҳаммад ибн Аббос Ҳасаний

МУХТАСАР СИЙРАТ

ЁХУД МУҲАММАД (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҲАЁТЛАРИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАР ТАРИХИ

Илмий муҳаррир Абдул Азим ЗИЁУДДИН

Муҳаррир Жамшид ШОДИЕВ

Бадиий муҳаррир Элнур НИЁЗ ўғли

Саҳифаловчи Наргиза МИРЗАЛИЕВА

Мусахҳиҳа Зебо ОМОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: АИ № 146. 2009. 14. 08.

Босишга 2016 йил 16 декабрда рухсат этилди. Офсет
қоғози. Қоғоз бичими 84 x 108^{1/32}.

Ҳарф гарнитураси РТ Serif. Офсет босма усули.

Ҳисоб-нашриёт т.: 6,3. Шартли б. т.: 3,7

Адади: 5000 нусха.

_____-сон буюртма. Баҳоси келишилган нархда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар

Зарқайнар 18-берккўча 47а-уй.

Электрон почта: *m-nashr@mail.ru*.

Тел: *(0-371) 227-34-30*

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
босмахонасида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳар Лабзак кўчаси 86-уй.

www.gglit.uz, e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz